БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 105 (596)

30 МАЙ ЧОРШАНБА 1956 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

СССР Олий Советини чақириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони (1-бет).

Н. С. Хрушчев Англия уй-жой қурилиши ва маҳаллий бошқарма министри Данкен Сендис жанобларини қабул қилди (1-бет).

Совет ёшлари тўғрисидаги буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси (1-бет).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: **Р. Шамсиддинов.** — Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунлайлик (2-бет).

М. Славянов. — Халқлар дўстлиги ва тинчлик манфаатларини кўзлаб (2-бет).

Барча куч ва имкониятларни ғўза парваришини намунали ўтказишга сафарбар этайлик! (3-бет).

КОНСУЛЬТАЦИЯ: **А. Нерозин.** — Ғўзани тўғри суғориш мўл ҳосил гаровидир (3-бет).

СУНГГИ ПОЧТАДАН: Сайловчиларнинг мулоҳазалари қани? (3-бет).

Париж меҳнаткашлари коммунарлар деворн ёнига бордилар (4-бет).

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни. Чехословакияда тайёрлик (4-бет).

Собиқ фронтчилар жаҳон федерациясининг VI бош ассамблеяси (4-бет).

Ёшларни коммунизмнинг актив қурувчилари қилиб тарбиялайлик

Мамлакатимиз ёшлари ўзларини зўр меҳр билан ардоқлаб ўстирган буюк халқимизга, шонли партиямизга доим содиқ бўлиб келдилар. Ўз фидокорликлари ва қаҳрамонликлари билан коммунизм қураётган баҳодир халқнинг муносиб фарзандлари эканликларини кўп марта намойиш қилиб кўрсатдилар. Коммунистик партия ҳозир ҳам XX съезд белгилаб берган йўлдан бориб, Ватанимиз ёш авлоди тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун бу йил 1 июлдан бошлаб олти соатлик иш куни белгилаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган қарор ҳам партиямизнинг ана шу олийжаноб йўлдаги буюк фаолиятининг ажойиб мевасидир.

Коммунистик партия тарбиялаб ўстирган совет ёшлари ўзлари тўғрисида қилинаётган буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлган бу янги қарорга янада кўпроқ фидокорона меҳнат қилиш ва аъло ўқиш билан жавоб берадилар. Ҳозир минглаб ёш ватанпарварлар Партия ва Ҳукуматимиз чақириғи билан Сибирь, Қозоғистон, Узоқ Шарқ ва Донбассда олиб борилаётган янги қурилишларга бориб ишлаш учун жўнаб кетмоқдалар. Бу ажойиб ташаббус тобора авж олаберсин.

Олтинчи беш йилликда ҳамма капитал маблағларнинг қарийб ярми мамлакатимизнинг шарқий районларини ривожлантиришга сарфланади. Икки-уч беш йиллик мобайнида Сибирда мамлакатнинг йилига 15-20 миллион тонна чўян ишлаб чиқарадиган учинчи қудратли металлургия базаси барпо этилади. 1960 йилда бу ерда бутун Совет Иттифоқида 1950 йилда чиқарилган миқдордан кўпроқ кўмир чиқарилиши ва чўян эритилиши лозим. 1960 йилда шарқий районларда бутун мамлакатимизда 1954 йилда ишлаб чиқарилганидан кўра анча кўп электр қуввати ишлаб чиқарилади. Олтинчи беш йиллик даврида Шарқда ҳамма хилдаги машиналарни, механизмларни, аппаратура ва приборларни ишлаб чиқара оладиган юздан ортиқ машинасозлик заводлари қурилади.

«Мана бу улуғвор планларни амалга оширмоқ учун, — дейилади Партия ва Ҳукуматимиз чақириғида, — яна юз минглаб ишчилар талаб қилинади. Улар бутун куч-қувватини совет халқининг бахт-саодатига бағишлаш истаги билан тўлган ва кийинчиликлардан қўрқмайдиган довюрак, бақувват, мардонавор, новқирон кишилар бўлмоқлари лозим. Бундай кишилар бизда бор!» Чиндан ҳам шундай. Ленин комсомоли бундай кишиларни кўплаб тарбиялаб етиштирган.

Ленин комсомоли, барча совет ёшлари ҳар сафар бўлганидек бу гал ҳам партиямиз чақириғини гоят зўр кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. Бутун мамлакатимизда бўлганидек областимиздаги завод ва фабрикаларда, ўқув юртлари ва муассасаларида ёшларнинг митинглари, йиғилишлари, қизғин суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.

Партиянинг янги чақириғи тошкентлик ёшлар орасида ватанпарварлик руҳини кучайтириб юборди. Шаҳар ва район комсомол комитетларига жуда кўплаб аризалар тушмоқда. Бу аризаларда йигит ва қизлар ўзларини олтинчи беш йилликнинг янги қурилишларига юборишни сўрамоқдалар.

— Мен, — дейди «Ўзбексельмаш» заводининг токари, комсомол аъзоси Озод Валиев, — Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг чақириғига жавобан мамлакатнинг янги қурилишларидан бирига боришга қатъий қарор қилдим. Халқнинг ишончини шараф билан оқлаш учун бутун куч-қувватимни сарфлашга ваъда қиламан.

Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводининг В. Кочетов, А. Аҳмедов, П. Попов, А. Бекетовлардан иборат бир группа ишчи ёшларидан тушган аризада бундай дейилади:

— Биз 1955 йилда Тошкентдаги 1-темир йўл мактабини битирганмиз. Бизни қаерга юборсангиз, ўша ерда фидокорона меҳнатимиз билан бошқаларга ўрнак бўлишга комсомолнинг ваъдамизни берамиз.

Бутун бепоён Ватанимизда олтинчи беш йиллик мобайнида амалга ошириладиган янги катта қурилишларнинг бири — Катта Оҳангарон қурилишига ана шундай довюрак, бақувват, қийинчиликлардан қўрқмайдиган ёшларнинг ёшлар эшелони етиб келди.

Коммунистик партия Ватан бахт-саодати йўлида тинмай меҳнат қилишни ўз ҳаётининг асл маъноси деб билган ана шундай совет кишисини тарбиялаб ўстирди. Меҳнат совет кишисининг ҳаётий иши, унинг энг зарур, энг юксак ва олижаноб эҳтиёжи бўлиб қолди. Капитализм шароитида кишн тирикчилик учун меҳнат қилса, совет кишиси меҳнатсиз яшай олмайди. Капитализм билан меҳнат ўртасидаги ашаддий муросасизлик янада кескинлашган бир вақтда, социализм халқ бахт-саодати учун ижодий меҳнат қилиш билан қўшилиб кетди. Социалистик жамият кишиларнинг меҳнатга қарашини тубдан ўзгартириб юборди. Меҳнатга коммунистик муносабат туғилди, ўсиб улғайди, камол топди. Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш эса совет кишиси маънавий қиёфасининг энг ёрқин белгиси бўлиб қолди.

Бироқ, бизнинг меҳнатсевар улуғ совет оиламизда моддий неъматлар яратадиган меҳнатга бўйин бермайдиган, ижтимоий фойдали иш билан шуғулланишни истамайдиган айрим кишилар ҳам борлиги сир эмас. Бундай кишилар ўзлари бинокор қилмай қуриб берган уйларда яшаётганликларини, уларнинг оталари заводларда ва фабрикаларда ишлаётганлигини, ҳормай меҳнат қилаётган совет кишилари совхозларда ва колхозларда ўстириб етиштирган нонни еяётганликларини ўйламайдилар. Бу, совет кишисининг қиёфасига доғ бўладиган обивательчилик ва мешчанликнинг ўзгинасидир. Коммунистик партия меҳнатга ҳурматсизлик билан қараш ва иборат бўлган бундай қайфиятларни аёвсиз улоқтириб ташлашни, бундай қайфиятларга қарши муттасил кураш олиб боришни совет халқини, даставвал ёшларни коммунизм руҳида тарбиялашнинг энг муҳим воситаси деб билмоқда.

Бироқ айрим партия ташкилотлари ёшларни жонли, амалий ишга жалб этишда комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам бермаётирлар. Улар комсомол ташкилотларининг тарбиявий ишларида йўл қўйиладиган юзакачилик, қуруқ насиҳатгўйлик ҳолларига, пропаганда ишининг ҳаётдан кўпинча ажралиб қолганлиги ҳолларига бепарво қарамоқдалар.

Тошкентдаги кўпгина ўқув юртлари студентлари ўртасида олиб борилаётган идеологик тарбия ишлари ҳам партиямча белгилаб берган улуғвор вазифалар даражасидан орқада қолмоқда. Университет ва институтларни битириб чиқаётган ёшларимиз орасида баъзан Ватан, партия, халқ олдидаги ўз бурчини ҳис қилмайдиган кишилар ҳам учрайди, улар «бирор жойга ўрнашиб олиб бўлса ҳам, иш қилиб шаҳардан чиқиб кетмаслик»нинг пайидан бўладилар.

Совет кишилари учун асло муносиб бўлмаган бундай ҳолларни ва қолоқ қайфиятларни фош қилиб ташлаш ва уларни тагитомири билан йўқотиш керак.

Совет халқи ўз йигит ва қизларига: меҳнатда камол топинг ва ўқинг, ўз қобилиятингиз ва талантингизни ўстиринг, Сизлар учун ҳамма нарса яратиб берилган, энди иш ўзингизга, ўзингизнинг ғайрат ва иродангизга боғлиқдир, демоқда.

Янги қурилишларга бориб ишлашни истаган комсомоллар ва ёшлар партиянинг янги топшириғини Ватан олдидаги шарафли бурч деб қабул қиладилар ва қурилишларга меҳмон сифатида эмас, балки бой ўлкамизни тубдан ўзгартиришга бел боғлаган чин азаматлар сифатида борадилар, халқ олдидаги бурчни бу сафар ҳам шараф билан бажарадилар.

Ҳурмат тахтаси

Давлат пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар.

Бекобод районидаги **Ленин** номли колхоз (раиси ўртоқ **Мирзаев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Аҳмедов**).

Мирзачўл районидаги **Ленин** номли колхоз (раиси ўртоқ **Йўлдошев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Шодмонова**).

Мирзачўл районидаги **Сталин** номли колхоз (раиси ўртоқ **Р. Муҳаммедов**, бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ **И. Алибоев**).

Бекобод районидаги **Маленков** номли колхоз (раиси ўртоқ **Отабоев**, бошланғич партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Тўртинчи чақириқ СССР Олий Советининг бешинчи сессияси 1956 йил 11 июльда Москва шаҳрида чақирилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1956 йил, 29 май.

Н. С. ХРУШЧЕВ АНГЛИЯ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ ВА МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРМА МИНИСТРИ ДАНКЕН СЕНДИС ЖАНОБЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

1956 йил, 29 майда КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. С. Хрушчев Англия уй-жой қурилиши ва маҳаллий бошқарма министри Данкен Сендис жанобларини қабул қилди ва у билан суҳбатлашди.

Данкен Сендисга Буюк Британиянинг СССРдаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси сэр Уильям Хайтер ҳамроҳ бўлди. (ТАСС).

Партия ва Ҳукуматнинг чақириғи билан

Братск, Норильск, Советская Гавань... Ҳозирги вақтда мана бу географик пунктлар мамлакатнинг шарқий ва шимолий районларидаги қурилишларга бориб ишлаш тўғрисида партия ва ҳукумат чиқарган Мурожаатни маъқуллаб кутиб олган Москва шаҳри ва Москва областидаги ёш ватанпарварларнинг диққат марказида турибди. Бу ерларга даставвал забардаст ва довюрак кишилар талаб қилинади. Комсомоллар ана шу ерларга чин қалбдан интилаётирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг мурожаати эълон қилинган кундан буён озгина вақт ўтди. Лекин ҳозиргача ёш ватанпарварлардан минглаб киши Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимолнинг битмас-туганмас бойликларини ўзлаштириш ишига ўзини бағишлашга қарор бергалигини билдирди. Москва шаҳри ва Москва областидаги йигит ва қизлардан ўзларини олтинчи беш йилликнинг энг йирик қурилишларига комсомол путевкалари билан юборишни сўраб ёзган ўн мингдан кўпроқ ариза тушди. (ТАСС).

Каховка ГЭСи планни муддатидан илгари бажарди

НОВАЯ КАХОВКА, 26 май. (ТАСС). Каховка ГЭСининг коллективи янги муваффақиятга эришди. Электр қуввати ишлаб чиқариш юзасидан май ойи плани муддатидан илгари бажарилди ва электр қуввати таннархи 40 процент камайтирилди. Коллектив йил охиригача пландан ташқари 25 миллион киловват-соат электр қуввати ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

Машина залида тўртта гидроагрегат ишлаб турибди. Бешинчи агрегатни монтаж қилиш тамом бўлай деб қолди.

Каховка сув омборига сув тўплаш тез суръатлар билан давом эттирилмоқда. Тўғон олдидаги сув 13 метрдан кўпроқ кўтарилди. Проектда белгиланган даражага етиш учун яна уч метр қолди.

Темир каскадлар ва янги қурилаётган биноларнинг деворларини ўрнатишдан қолган саноат майдонидаги столбалардаги Ильич чироқлари туннинг ярмидан ўтгач, янада чарақлаб кетди. Юз метр баландликдаги тутун трубаси тоғ чўққисидан бўса олгандай мағрур. Унинг тепасидаги қизил юлдуз эса узоқларга кўз ташлаб, худди «мана, кўриб қўй, мен олтинчи беш йилликнинг илк қалдирғочи бўламан» деяётганга ўхшайди.

Биз давлат район электростанциясининг ана шу саноат майдонидан ўтиб бутун қурилишни ҳар хил бетон қоришмалари ва бетон плиткалари билан таъминлайдиган завод ва унинг ҳомашё базаси бўлган шағал заводига бордик. Шағал заводи унча катта бўлмаса ҳам тун тинчлигини бузиб ҳайқирарди, янги қурилишнинг қайноқ ҳаётидан бўкун водига жар соларди.

Мана қорьердан шағал ортиб келаётган паровоз калта-калта сигнал бериб, махсус ишланган темир панжара олдига келганда думпкордаги шағални ағдарди. Шағал эса аста-секин озиқлантирувчи хонага оқа бошлади. Бир учи бункерга ўрнатилган лента роликларнинг гичир-гичирига мос бир меёрда айланиб, шағалларни юқори кўтарар ва уни қабул қилувчи бункерга тўкарди.

Ишнинг шу жойига етганда қолган процесслари кузата олмадик. Чунки ишнинг қолган процесси ёпиқ бинода олиб борилади. Биз смена мастери Николай Филиппович Иваненкога мурожаат қилдик.

— Шағал заводида, — дейди у, — ҳал қилувчи иш асосан ана шу ердан бошланади. Лента орқали бункерга тушаётган шағаллар сув билан қўшилиб «грохот» деб аталувчи барабанга тушади. Барабанга ўрнатилган тешиклар ҳар хил шаклда бўлади. Тешиклар шағал билан сув тушадиган ердан барабаннинг иккинчи учига йўриклашиб боради. Бу барабан айланиб элак ролини, аниқроқ қилиб айтганда сортировкачилик ролини бажаради.

— Ана, эшитаяпсизларми? — деди у қўли билан шовқин келаётган бинони кўрсатиб.

Дарҳақиқат, шағал теккан темир барабаннинг даранглагани, лентадан тушиб кетган баъзи тошларнинг темир стойкаларга урилаётгани — буларнинг ҳаммаси бири-бирига қўшилиб кетаётир.

— Сув нима учун керак? — сўрадик биз ундан.

—Сув асосан шағалнинг тупроғини, лойини ювиш учун ишлатилади. Агарда қумга ва шағалга тупроқ аралашиб кетса, ундан ишланган бетоннинг сифати паст бўлади.

—«Грохот»да сортировка қилинган маҳсулотнинг ҳаммаси ишлатиладими?

— Биздан чиққан маҳсулотни унинг сортига қараб майда донали, ўрта донали ва йирик донали эшертиниҳ, деб атаймиз ва буларнинг ҳаммаси қурилишга кетадиган бетоннинг талабига қараб ишлатила беради.

Николай Филиппович бизни бинога яқинроқ бошлаб бориб, сортларга ажратилган маҳсулотларнинг трубалар орқали келиб тушаётган пастки бункерга имо қилди:

— Маҳсулотимиз ана шу ердан думпкорларга ортилади.

Шу пайт иккита думпкор тирқалган паровоз сигнал бериб келди-да, бункерлар тагига кириб тўхтади.

Биз Николай Филипповичдан илғор кишилар билан таништиришни илтимос қилдик.

— Сизнингча, қандай кишилар илғор бўлади? — сўради Николай Филиппович.

— Планини ортдириб бажарган кишилар.



Н. Ф. Иваненко.

Николай Филиппович бир оз жим турди-да, кейин мийиғида кулиб:

— Бу ҳам тўғри, — деди. — Лекин биз ҳар қандай илғорларни ҳам мақтайвермаймиз. Илғор — ёлғиз меҳнатда эмас, балки жамоат ишларида, турмушда ва кишилар билан бўладиган муносабатда ҳам ўзининг илғорлигини кўрсата олсин. Мен сизларга шундай кишиларни кўрсатаман, улар бутун коллективимизнинг фахри.

Мастер бизни лента ёнига бошлаб бориб, Хайдар Ҳошимов ва Нина Николаевалар билан таништирди. Биз уларнинг касбларини сўраган эдик Николай Филиппович суҳбатимизни бўлиб:

— Булар универсал кишилар: моторчиликми, лентачиликми, дуч келганини қилиб кетишаверишади. Ҳамма ерда ҳам ишончимизга муносиб ишлайдилар, — деди.

— Демак, сменанинг ишончли кишилари денг.

— Шундай.

— 100 ўрнига 160 кубометрга етказиб маҳсулот чиқараётган экскавизлар, тўғрими? — сўрадик биз эшитганимизни аниқлаш учун.

— Йўқ, — деди мастер қатъийлик билан. — Сменада планимиз 150 кубометр, биз 180 ва 200 кубометрдан маҳсулот бераётирмиз.

— Йил бошидан бери шундайми?

— Шу йўсинда боряпти, 4 ойлик планни ошириб бажарган эдик, май ойи планини ҳам 6 кун илгари адо этдик.

— Ишга қандай нуқсонлар содир бўлмоқда?

Бу саволга Николай Филиппович жавоб берди:

— Баъзи вақтлар электр қуввати бўлмай қолади ва анча вақт бекор туришга тўғри келади. Мен сизларга айтган 180 ва 200 рақам ўрта ҳисоб. Агарда ишимизга диаграмма чизиб кўрсангиз, 160 билан 500 ўрталигида ҳосил бўлган илон изи чизиқни — тўлқинни кўрасиз. Агарда энергия бир текис келиб турса, яна бир қанча ортиқча маҳсулот бериш мумкин. Бошқа нуқсонларни ҳам айтиб берай. Раҳбар ўртоқларимиз, мен сизларга қурилиш бошлиғи Чернов ва партия ташкилотининг секретари Остряков ўртоқларни айтмоқчиман, тунги сменага унча эътибор беришмайди. Биз медицина хизмати ва агитация ишларининг тунги сменада ҳам олиб борилишини истар эдик.

Николай Филиппович билан қўл қисишиб хайрлашар эканмиз, коллективга янги муваффақиятлар тиладик. Биз узоқларга етканимизда ҳам завод нафаси, қайноқ ҳаётни эслатувчи гувур-гувурлар эшитилиб турарди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

Совет ёшлари тўғрисидаги буюк ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси



Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ёш ишчи ва хизматчилари СССР Олий Совети Президиумининг ўсмирлар учун 6 соатлик иш куни белгилаш тўғрисидаги Фармонини зўр кўтаринки руҳ билан қутиб олдилар. **Суратда:** агитатор ўртоқ **О. Назарова** пайпоқ цехининг бир группа ёш ишчиларига Фармонни ўқиб бермоқда. **В. Салов фотоси.**

Янада унумли ишлаймиз

Тошкент тўқимачилик комбинати республикамиздаги энг йирик корхоналардан биридир. Унинг коллективи бирнеча минг кишидан иборат. Шу сабабли бу ерда ёш ишчи ва хизматчилар анчагина бор. Мен ва менинг тенгдошларим СССР Олий Совети Президиумининг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун 6 соатлик иш куни белгилаш тўғрисидаги Фармонини барча совет ёшлари қаторида зўр мамнуният билан қутиб олдик.

Шу йил 1 июлдан бошлаб биз, ёш ишчилар ва хизматчилар одатдагича 8 соат эмас, балки 6 соат ишлаймиз. Бунда олаётган маошимиз камаймайди. Ўз олдимизни ошириш, кино ва театрларга бориш, маданий хордиқ чиқариш учун яна қўшимча вақтга эга бўламиз.

Кўпгина тенгдошларим қаторида мен ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ишчи-ёшлар мактабида ўқимоқдаман. Бу фармон ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўз билимини янада оширишни истовчи ёш ишчиларга жуда катта қулайликлар беради.

Шу кунларда смена топшириғини 120 процентга етказиб бажармоқдаман. Тайёрлаган маҳсулотимизнинг 99,2 проценти юқори сифатга қабул қилинмоқда. Партия ва Ҳукуматимизнинг бу оталарча ғамхўрлигига жавобан мен янада унумли ишлайман.

Е. УРАЗМЕТОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув-тўқув фабрикасининг йигирувчиси.

Партия ва Ҳукуматга минг раҳмат

СССР Олий Совети Президиумининг шу йил 1 июлдан бошлаб 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ишчи ва хизматчилар учун 6 соатлик иш куни белгилаш тўғрисидаги Фармони Л. М. Каганович номли паровоз-вагон ремонт заводининг ёш ишчиларини бенихоя қувонтирди. Заводнинг ёш-ишчилари Фармон билан таништи чиққач, Партия ва Ҳукуматга ўзларининг миннатдорчиликларини билдирмоқдалар.

—Мен,—дейди рам-кузов цехининг слесари И. Исҳоков,—темир йўлчилар мактабини тамомлаб, заводда доимий ишлашга келганимга оз вақт бўлди. Ҳозир 17 ёшга қадам қўйдим. СССР Олий Советининг бу Фармони кўпчилик тенгдошларим қаторида менинг ҳам кучимга-куч, ғайратимга-ғайрат қўшди. Бу тарихий ҳужжат биз, ёшларни, бақувват бўлиб ўсишимиз, маданий дам олишимиз ва техника-билим даражамизни тинмай ошира боришимиз ҳақида Партия ва Ҳукуматимизнинг қилаётган ғамхўрлигининг ёрқин далилидир.

—Кишилар ҳақида ғамхўрлик қилиш,— дейди вагон-йигув цехининг бригадири Б. Радченко,—партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Партия ва Ҳукумат меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги ва маданий савиясини тобора ошириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу тарихий ҳужжат менинг она-Ватанга бўлган муҳаббатимни янада кучайтириб юборди. Мен ўз тенгдошларим қаторида бу оталарча ғамхўрликка жавобан янада унумлироқ ишлаш учун бутун куч ва ғайратимни аямай сарф этаман.

Тунги сменада

Шу йил 1 июлдан бошлаб кўпгина ёшлар қатори мен ҳам одатдагича 8 соат эмас, балки 6 соат ишлайман. Натижада ўз билимим ва малакамни ошириш учун яна кўшимча вақтга эга бўламан. Шу кунларда мен смена топшириғини 140-150 процентга етказиб бажараётирман. 6 соатлик иш куни амалга оширилгач, мен шу 6 соат ичида одатдаги 8 соатда қилинадиган ишни бажариш учун астойдил ҳаракат қиламан.

6 СОАТДА 8 СОАТЛИК НОРМАНИ БАЖАРАМИЗ

Биз, «Қизил тонг» фабрикасининг ёшлари, СССР Олий Совети Президиумининг «16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун олти соатлик иш куни белгилаш тўғрисида»ги Фармонини катта қувонч билан қарши олдик. Фабрикамизда бизга ўхшаган ҳали 18 ёшга етмаган ёшлар анчагина бор.

Партия ва Ҳукуматимизнинг совет ёшларига қилаётган бундай катта ғамхўрлигига жавобан социалистик мусобақани янада кучайтириб, ҳар қачонгидан ҳам яхшироқ ишлаймиз. Биз ана шу белгиланган олти соат иш вақтидан унумли фойдаланиб, аввалгидек саккиз соат ичида бажариладиган нормани ортиғи билан адо этамиз.

Биз мактаб партасидан тўғри фабрикага келган эдик. Тез вақт ичида корхона коллективининг ёрдами билан ҳунарли ишчи бўлиб етишдик. Ҳозир ҳар биримиз смена топшириғини 110-120 процентга етказиб бажараётирмиз. Бундан кейин олти соат ичида ҳам катталар қаторида саккиз соатлик иш нормасини бажарамиз. Фабрикамиз қошида очилган кечки ишчи-ёшлар мактабига кириб ўқишни давом эттирамиз. Бунинг учун ҳамма имконият яратиб берилди.

В. ТАРАБРИНА,
Р. РАМАЗОНОВА,
Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикаси 6-цехининг ёш ишчилари.

ЁШ ИШЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги кон-руда ускуналари ишлаб чиқарувчи Ильич номли заводнинг ёш-ишчилари ва хизматчилари СССР Олий Совети Президиумининг 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун 6 соатлик иш куни белгилаш тўғрисидаги Фармонини зўр қувонч билан қутиб олдилар. Улар партия ва ҳукуматнинг совет ёшлари тўғрисида қилаётган бу ғамхўрлигидан руҳланиб, кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Қуюв цехининг формовщичи ўртоқ А. Белоусов бу тарихий ҳужжат билан таништи чиққач, бундай деди:

— Шонли Коммунистик партия ва жонажон Совет ҳукумати биз, ёшларни, соғлом, бақувват, хушчақчақ, билимли ва маданиятли бўлиб ўсишимиз тўғрисида оталарча ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу Фармон ана шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Мен ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки ишчи-ёшлар мактабида ўз билимимни оширмоқдаман.

Шу йил 1 июлдан бошлаб кўпгина ёшлар қатори мен ҳам одатдагича 8 соат эмас, балки 6 соат ишлайман. Натижада ўз билимим ва малакамни ошириш учун яна кўшимча вақтга эга бўламан. Шу кунларда мен смена топшириғини 140-150 процентга етказиб бажараётирман. 6 соатлик иш куни амалга оширилгач, мен шу 6 соат ичида одатдаги 8 соатда қилинадиган ишни бажариш учун астойдил ҳаракат қиламан.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йилини муваффақиятли якунлайлик

Партия маорифи шохобчаларида ўқув йили тамомланмоқда. Шаҳар ва район партия комитетлари ўқув йили давомида коммунистлар ва партиясиз активларнинг сиёсий ўқишини ташкил этиш, уларнинг марксизм-ленинизм назариясини, КПСС XX съезди материалларини, саноат ва қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини пухта эгаллаб олишлари юзасидан бир қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Ҳозир областимизда тўгаракларда, сиёсий мактабларда, назарий семинарларда, кечки партия мактаби ва марксизм-ленинизм университетларида коммунист ва партиясиз активлардан 100 мингдан ортиқ киши ўз сиёсий билимини оширмоқда.

Кўпчилик шаҳар ва район партия ташкилотлари ўқув йили давомида жиддий иш олиб бордилар. КПСС XX съезди материалларини партия маорифи шохобчаларида чуқур ва атрофлича ўрганишни таъминлаш учун зарур чораларни кўрдилар.

Бошлангич партия ташкилотлари ҳузурида коммунист ва партиясиз активларни съезд материалларини ўрганишга кенг жалб қилиш мақсадида қўшимча равишда 1834 тўгарак ташкил этилди ва унга 46 мингдан кўпроқ киши жалб қилинди.

Партия маорифи шохобчаларида ташкил қилинган тўгараклар сонининг ошиши муносабати билан партия ташкилотлари пропагандистлар билан ишлашга кундалик эътиборни янада оширдилар, бу ишга янгидан жалб этилган ва етарли тайёрлиги ҳамда методик тажрибаси бўлмаган пропагандистларга ёрдамни кучайтирдилар.

Партия маорифи шохобчаларида ўқишнинг нормал давом этишини таъминлашда партия кутубхоналари ҳам катта роль ўйнамоқдалар.

Кўпчилик шаҳар ва район партия кутубхоналарининг ходимлари КПСС XX съезди материалларини, юзасидан методик қўлланмалар ишлаб чиқдилар, саноат корхоналари, колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига тааллуқли материалларни тўпладилар ҳамда умумлаштирдилар. Кутубхоналарда съезд материалларига бағишланган виставкалар ташкил қилинди, пропагандистлар назарий семинарларнинг машғулотлари мунтазам ўтказиб турилди, уларга консультациялар бериб борилди.

Пропагандистларга методик ва назарий ёрдам кўрсатиш, улар учун лекциялар ташкил этиш ва тажриба алмашишни кенг йўлга қўйиш машғулотларни жонли, ҳар бир корхона, колхоз, совхоз ва МТС олдида турган вазифалар билан бевосита боғлаган ҳолда ўтказишда катта ёрдам берди.

Жумладан, Чирчиқ шаҳар партия ташкилотида ишлаётган пропагандистларнинг кўпчилиги ўзлари раҳбарлик қилаётган тўгаракларда машғулотларни юқори савияда ўтказмоқдалар, новаторларнинг иш тажрибасини, илғор иш методларини кенг пропаганда қилмоқдалар. «Чирчиқсельмаш» заводи партия ташкилотида пропагандист бўлиб ишлаётган ўртоқ Станков «СССРнинг ички аҳволи» темасига бағишланган машғулотда саноатда техника прогресси ҳақида гапирар экан, бу масалани заводнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан, қуюш цехида прогрессив методлар қандай қўлланилаётганлиги билан боғлади. Пропагандист янги методнинг жорий қилиниши меҳнатни қанчалик енгиллаштирганлиги ва қўйиш процессини теалаштирганлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб берди.

Оҳангарон шаҳрининг коммунистлари ва партиясиз активлари КПСС XX съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бу ерда ташкил қилинган 300 дан ортиқ тўгаракда 8 мингдан кўпроқ киши ўқимоқда. Шаҳар партия комитети қошида съезд материалларини мустақил ўрганувчилар учун лекция ва докладлар ташкил қилинади, уларга консультациялар берилади.

Партия маорифи шохобчаларида съезд материалларини ўрганиш Орджоникидзе, Бўка, Калинин, Қорасув ва бошқа районларда ҳам кўнгилдагидек ташкил этилган. Ана шу районларда тўгаракларга раҳбарлик қилаётган пропагандистларнинг кўпчилиги машғулотларни ўтказиш вақтида назарияни кундалик ҳаёт билан тўғри боғлашга ҳаракат қилмоқдалар, илғор иш методларини кенг пропаганда қилмоқдалар, маҳаллий фактларни чуқур ва атрофлича анализ қилиб бераётирлар. Калинин районидаги Генерал Раҳимов номли колхоз партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган тўгаракларга раҳбарлик қилаётган Кенжабоев, Жуманазаров ўртоқлар машғулотларни жонли ва жуда қизиқарли ўтказмоқдалар, улар ўз тингловчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифаларини, маҳсулотнинг тан нархини камайтириш учун нималар қилиш кераклигини содда ва тушинарли қилиб айтиб берадилар.

Бу ўқув йилида кадрларнинг иқтисодий билимини ошириш кенг йўлга қўйилди. Коммунистлар ва партиясиз активларнинг кўпчилиги марксча-ленинча сиёсий иқтисод фанини, конкрет экономика масалаларини ўрганишга катта қизиқиш билан қарадилар.

Бу йил областда сиёсий иқтисод фани ва конкрет экономикани ўрганиш юзасидан 315 тўгарак ҳамда 127 назарий семинар ташкил этилган эди. Кўпчилик партия ташкилотлари кадрларнинг иқтисодий ўқишини, айниқса саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги конкрет экономикасини ўрганишини ташкил қилиш соҳасида бой тажриба орттирдилар.

Ўрганилган масалалар темасининг анализи машғулотларда ҳар бир район хўжалигининг юксалишига бевосита таалуқли масалалар ўрганилаётганлигини, бунда ҳар бир район хўжалигининг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилаётганлигини кўрсатмоқда.

Бу соҳада Мирзачўл район партия комитети ҳузурида ташкил этилган назарий семинарнинг иши диққатга сазовордир. Семинар қатнашчилари «Мирзачўл районини шароитида ҳосилни ошириш учун ернинг шўрини ювишнинг аҳамияти», «Октябрь» колхозининг тажрибаси асосида пахта ҳосилини ошириш учун алмашлаб экишнинг аҳамияти» ва бошқа темаларни ўрғандилар ва муҳокама қилдилар.

Шубҳасиз ана шундай масалаларнинг ўрганилиши хўжалик ишларининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда ва раҳбарларни хўжаликни бошқариш, ишлаб чиқариш масалаларига чуқур аралашиш ва рентабеллиликни ошириш йўлларини тўғри белгилашга ўргатмоқда.

Лекин коммунистларнинг сиёсий ўқиши ҳамма жойда ҳам уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилаётир, деб бўлмайди. Айрим партия ташкилотларида машғулотларни ўтказишда юзакиликка йўл қўйилмоқда. Бу ҳол тингловчиларнинг активлигини оширмаётир ва уларни ишлаб чиқаришни ошириш—партия ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Р. ШАМСУДДИНОВ,
Область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг сектор мудири.



Тошкентдаги 3-босмахона 1956 йил I кварталида 4 миллион нусхадан кўпроқ китоб босиб чиқарди. Суратда: ишчи К. Йўлдошева (ўнгда) ва цех бошлиғи Л. Трифанова тайёр китобларни кўздан кечирмоқда.
А. Аверьянов фотоси.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Узбекистон ССР ўқув-педагогика Давлат нашриёти қуйидаги дарсликларни нашр этди:

КОЛЛЕКТИВ. «Совет адабиёти хрестоматияси». (Ўрта мактабнинг X синфи учун). 566 бет, тиражи 30.000 баҳоси 5 сўм 95 тийин.

С. ФУЗАИЛОВ.—«Узбек тили дарслиги». (Грамматика, орфография ва нутқ ўстириш.—Бошлангич мактабларнинг II синфи учун). 112 бет, тиражи 100.000, баҳоси 1 сўм.

С. А. ПОНОМАРЕВ ва Н. И. СИРНЕВ.—«Арифметикадан масалалар ва машқлар тўплами». (Етти йиллик ва ўрта мактабларнинг 5-6 синфлари учун). 256 бет, тиражи 60.000, баҳоси 2 сўм 65 тийин.

А. С. ПЧЁЛКО ва Г. Б. ПОЛЯК. — «Арифметика». (Бошлангич мактабнинг иккинчи синфи учун дарслик). 138 бет, тиражи 90.000, баҳоси 1 сўм 10 тийин.

С. МАҲМУДОВА, Р. ИУЛДОШЕВА. — «Уқиш китоби». (Бошлангич мактаблар-нинг иккинчи синфи учун). 188 бет, тиражи 90.000, баҳоси 1 сўм 55 тийин.

Узбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

К. М. СТАНЮКОВИЧ. — «Максимка». (Бошлангич мактаблар учун). 32 бет, тиражи 30.000, баҳоси 55 тийин.

А. М. КОРОТУН. Қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.—«Суғориладиган районлардаги иқота дарахтзорлар агротехникаси». 65 бет, тиражи 2.000, баҳоси 1 сўм 5 тийин.

В. М. ФАЙБУШЕВИЧ, Я. К. МУМИНОВ, П. Л. ЭСТРИН, М. И. КЕТКО —«Тошкент минерал суви». (Узбекистоннинг биринчи бальнеологик ва минерал суви ичиб даволаниш курорти). 36 бет, тиражи 5.000, баҳоси 70 тийин.

Г. ГУЛЬШИН. — «Когда отпадают листья». (Повесть, рус тилида). 120 бет, тиражи 15.000, баҳоси 1 сўм 95 тийин.

«Қизил Узбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриёти қуйидаги брошюраларни босиб чиқарди:

В. МАЖИДОВ. — «Ҳаёт сирлари». 32 бет. тиражи 42.000, баҳоси 40 тийин.

П. Ф. КИЯТКИН.—Қишлоқ хўжалик фанлари доктори,—**«Узбекистонда майин жунли қўйларни урчитиш йўллари».** 44 бет, тиражи 40.000, баҳоси 60 тийин.

БОШҚИРД ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛИ

ТЕАТР

Реалистик комедия

Совет комедияси ўзининг ўткир сатираси, бой юмори, жонли тили билан ажралиб туради. У ҳаётимиздаги ҳар қандай ярамас урф-одатлар, кишиларимиздаги салбий хусусиятларни фош қилиб ташлайдиган ўткир қуролдир. Пойтахтимизда ўз гастролларини давом эттираётган бошқирд Давлат Академик драма театрининг «Божалар» спектакли ана шу хилдаги совет комедияларидан ҳисобланади.

Комедиянинг асосида меҳнатсевар, фидокор ватанпарварларнинг жамиятимизнинг олға томон тез ривожланишига халақит бераётган кишиларга қарши курашини тасвирловчи ҳаётий конфликт ётади. Бу конфликт спектаклнинг биринчи кўринишиданоқ бошланиб, кучаяборади.

Бошқирдистон нефть конларидан бирида ишловчи пармаловчилар бригадасининг бошлиғи мастер Бакер жуда хурсанд. Унинг уйида божалари — Шакур, Аблай ва бошқа меҳмонлар тўпланган. Фотограф Бакерни ҳар хил кўринишларда расмини олаётир. Келган меҳмонлар Бакер биринчиликни олгани, рекордга эга бўлгани учун уни табрикламоқдалар. У ўз қизини бригадасида ишловчи ёш мастер Ғаделга тўй қилиб беришни меҳмонларга билдиради. Шу пайт мусобақадош пармаловчилар бригадасининг бошлиғи Муҳутдинов кириб келади. Бакер уни мағрурланиб столга таклиф қилади. Лекин ташвишланган Муҳутдинов, ўтирганларга нефть қудугини қовлевчи машинаси аварияга бўлганини айтиб, Бакердан ёрдам беришни илтимос қилади. Бироқ Бакер ўтган йилдан ортиқ бирга хизмат қилган ўртоғига ёрдам беришдан бош тортади. Бакернинг Муҳутдиновга бўлган бундай муносабати ҳаммани ажаблантиради. Ғадел Бакернинг рухсат бермаганлигига қарамасдан Муҳутдиновни авариядан қутқазиш учун, уйни ташлаб кетади. Тўй бузилади. Бакердан ҳамма юз ўгиради. У ўзини коллективга қарамақарши қилиб қўяди. Унинг қандай қилиб рекордга эга бўлганлиги, Муҳутдиновнинг машинаси аварияга учраганининг аниқланади. Профкомнинг раиси Аблай Муҳутдиновга белгиланган каустик содани ўз божаси Бакерга беради. Бакер бу содани ишлатади, натижада кўпроқ нефть чиқазади, Муҳутдиновнинг машинаси эса шу муҳим соданинг йўқлигидан аварияга учрайди. Аблай бу хиёнаткорона ишни божаси ва ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб қилган. Унинг бу хиёнатини Муҳутдинов ва божаси Шакур партия ташкилотининг ёрдами билан фош қиладилар.

Спектаклнинг охирида Бакер ўз хатосига тушунади. Аблай эса ишдан бўшатилади, божалар ва бошқа қариндошлар орасидан ҳайдалади.

Спектакль Ғадел ва Бакернинг қизи Зулфиянинг тўйи билан тугайди.

Бу комедиянинг қиммати шундаки, у бошқирд ишчиларининг ҳаётидан олиб ёзилган. Талантли драматург И. Абдуллин оилавий муносабатлар орқали катта, айниқса ҳозирги кун учун муҳим бўлган темани танлаб, уни ҳаққоний тасвирлай олган. Автор ва спектаклнинг режиссёри Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган артист Р. Файзи асарни саҳналаштиришда комик приёмлардан ўринли фойдаланиб, спектаклнинг қимматини яна оширганлар. Бу ўткир комик ҳолатлар, образларни, айниқса Аблай, унинг хотини Киллебика каби сатирик образларни, шунингдек асар мазмунини тўла ва ёркин очиб беришга хизмат қилган.

Асарнинг тилини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. У жуда содда, равон ва мазмунидор. Комедияда ўткир халқ юмори, ёркин саҳна эпизодлари, томошабинда кучли кулги туғдирадиган моментлар кўп.

Комедиянинг бош қаҳрамони, Бакер образини СССР халқ артисти Арслон Мубориков яратган. Томошабин бу талантли артист ижросида Бакернинг қанақа киши эканлигини биринчи кўринишданоқ билиб олади. Бакер — Мубориков тажрибали нефтчи, давлат олдида унинг хизмати катта. Аммо кейинги вақтларда у ўзгариб, манманликка берилиб кетган. Шунинг учун ҳам у Муҳутдиновга ёрдам беришни истамайди. Мана Бакер — Мубориков партия ташкилотида бошини қуйи эгиб индамасдан, божаси Шакур, отаси Ҳикмат, дўсти Муҳутдиновларнинг аччиқ таъналарига қулоқ солиб ўтирибди. Ундаги илғорлик туғури, қайсарлиги ўз хатоларини, адашганлигини виждонан бўйнига олишга имкон бермаётир. Бу унинг учун ниҳоятда оғир. Лекин дўстларининг ҳаққоний танқиди ўз айбига иқрор бўлишига мажбур қилади. Артист ўз қаҳрамонининг ана шу вақтдаги ички кечирмаларини зўр маҳорат билан ифодалайди. Шунинг учун ҳам биз Бакердаги яхши хусусиятларининг мавжудлигига ҳам, мағрурланиб адашганига ҳам ишонамиз.

Ўртанча божа — Шакур ролини Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган артист З. Иғлавлетов моҳирлик билан ижро этди. Бу образда автор ҳам, артист ҳам илғор совет кишиларига хос хусусиятларни яққол очиб берганлар. Асосан Бакернинг мағрурланганини, Аблайнинг ярамаслигини Шакур фош қилади. Бу соф виждонли киши Аблайнинг ўрнига профкомга раис қилиб сайланади.

Томошабинларда Бошқирдистон АССРда хизмат кўрсатган артистлар Ф. Галимов ва Р. Саубановалар яратган кичик божа—Аблай ва унинг хотини Киллебика образлари катта таассурот қолдиради. Биз бу образларда мешчанлар, обивателлар, манфаатпарастлар, лаганбардорларни кўрамиз. Галимов ва Саубанова ўз қаҳрамонлари характеридаги сатирик ҳолатларни топиб, реалистик образлар яратганлар.

Томошабинлар автор ва артистлар билан бирга Аблай ва Киллебикалар устидан заҳарханда қилиб қаттиқ кулдилар.

Спектаклнинг катта ютуқларидан бири — партия ташкилотининг секретари Сафонов образидир. РСФСРда хизмат кўрсатган артист Р. Сиртланов қуруқ даблабозлик ва схематизмдан қочиб ҳаётий, оддий партия ташкилотининг секретари образини яратган. Сафонов спектаклда фақат икки марта пайдо бўлади, унинг гапирадиган гапи ҳам жуда оз. Лекин артист шу саҳналарни шунчалик жонли, ишонарли ўйнайдики, томошабин уни спектаклнинг бошидан то охиригача кўргандек ҳис қилади. Сафоновнинг нефтчилар, деҳқон колхозчи Ҳикмат билан қилган самимий суҳбати, уларга бўлган муносабати, ўртамати томошабиннинг эсида қолади.

Спектаклда РСФСРда хизмат кўрсатган артист Г. Тўхаев (Ҳикмат), Бошқирдистон АССР халқ артистлари А. Содиқова (Моҳира), Х. Бухарский (Муҳутдинов) ва ёш истеъдодли артист Г. Арслонов (Ғадел) яратган образлар ҳам томошабинларни қувонтиради.

РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. Имашев спектаклни яхши безатган. Композитор — Бошқирдистон АССР да хизмат кўрсатган артист Т. Каримов комедия мазмунини очиб беришга ёрдам берадиган музика ёзган.

Пойтахтимиз томошабинлари катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу реалистик комедияни зўр қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Ф. ЖУРАЕВ.

Халқлар дўстлиги ва тинчлик манфаатларини кўзлаб

Бундан бир йил муқаддам, май ойининг охири ва июнь ойининг бошларида Совет Иттифоқи билан Югославия Федератив Халқ Республикаси ҳукумат делегацияларининг Декларацияси имзоланди. Бу Декларация музокараларга якун ясади ҳамда энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан, шунингдек иккала давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиш масалалари юзасидан музокара қатнашчилари тутган позицияни баён қилиб берди.

Декларация халқаро муносабатларнинг бир қанча энг муҳим принципларини, шу жумладан: тинчлик бўлинмасдир, коллектив хавфсизлик фақат ана шунга асосланиши мумкин, деган принципини, давлатларнинг ўзаро муносабатларида суверенитетни, мустақилликни, территориал дахлсизликни ва тенг ҳуқуқликни ҳурматлаш, давлатларнинг тинч-тотув бўлиб яшаши, иқтисодий, сиёсий ёки идеологик характердаги сабаблар билан ички ишларга аралашмаслик ва бир-бирини ҳурматлаш принципларини СССР ва Югославиянинг бирдан-бир нуқтаи назари сифатида эълон қилди. Декларацияда СССР ва ЮФХР Ҳукуматлари мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар тарафлама ҳамкорликни иккала мамлакат манфаатларига, шунингдек тинчлик ва социализм манфаатларига тўла мувофиқ равишда янада ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилажакларини баён қилдилар.

Қўшма Декларацияда иккала ҳукумат ўз ташқи сиёсатларида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида баён қилинган принципларга асосланажаклари ва бу ташкилотнинг тинчликни ҳимоя қилишдаги ролини ҳамда обрўсини кучайтирмоқ учун куч-ғайрат сарфлажакларини уқдириб кўрсатилди. Шу муносабат билан Декларация хитой халқининг БМТ даги қонуний ҳуқуқларини тиклаш, қуролсизланиш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш масалалари юзасидан ҳамда бошқа бир қанча муҳим масалалар юзасидан музокаралар олиб бориш йўли билан ўзаро келишилган қарорларга эришиш зарур эканлигини кўрсатиб ўтди.

Югославия Федератив Халқ Республикасининг Президенти Иосип Броз Тито шу йил 2 июнда СССРга расмий визит билан келади. СССР билан ЮФХР ўртасидаги дўстона муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётганлиги тўғрисида газетхонларни таништириш мақсадида биз М. Славяновнинг мақоласини босаётирмиз.

Белград Декларацияси иккинчи жаҳон урушидан сўнгги дастлабки йиллар мобайнида вужудга келган дўстона совет-югославия ҳамкорлиги тикланганлигини эълон қилиб, мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг аниқ программасини ҳам белгилаб берди. Бошқа тадбирлар қаторида иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш, жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, СССР ва ЮФХР ўртасида социалистик тажриба алмаштириш ҳам кўзда тутилган эди.

Белград Декларацияси Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасидаги муносабатларнинг янги даврини очиб берди.

Тинчлик ва социализм душманларининг дўстона совет-югославия муносабатларининг бузилганлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш ниятлари барбод бўлди. Иккала мамлакат қардош халқларининг иккинчи жаҳон уруши йилларида умумий мақсад учун олиб борилган курашда айниқса кўпроқ чиниққан асрий традицион дўстлиги шу вақтдан бошлаб ишончли асосга эга бўлди.

Н. С. Хрушчёв 1955 йил 3 июнда Софияда йўлиб ўтган митингда сўзлаган нутқида совет-югославия музокараларининг аҳамияти тўғрисида гапириб, бундай деган эди: «Музокаралар натижасида совет нормал бир вазият вужудга келтирилди, Югославия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш учун йўл очилди.

ССРР билан Югославия муносабатларининг яхшиланиши халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшиладиган янги ҳисса бўлади».

Ўтган бир йил мамлакатимиз халқларининг Югославия халқлари билан бўлган муносабатлари тикланганлиги бу иккала мамлакат манфаатларига, тинчлик ва социализм манфаатларига тўла мос бўлиб тушганлигини аниқ кўрсатиб берди.

Югославия билан Совет Иттифоқи ва Европа ҳамда Осиёдаги халқ демократияси мамлакатлари ўртасидаги муносабатларининг нормаллашганлиги бу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун жуда бой перспективалар очиб берди. Югославия Совет Иттифоқи билан савдо-сотиқ ва тўлов битимлари, шунингдек олдинги битимлар юзасидан бўлган мажбуриятларни тартибга солиш тўғрисида битим тузди.

1955 йил январда 20 миллион доллар миқдорида ўзаро мол айирбошлашни кўзда тутган савдо битими имзоланди.

Совет Иттифоқи Югославиянинг иқтисодий ривожланишига ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилиб, унган олинадиган 90 миллион доллар миқдоридаги қарзни бекор қилди.

Ўтган йил августда иқтисодий масалалар юзасидан югослав-совет музокаралари бўлиб ўтди. Бу музокаралар натижасида иккала мамлакат ўртасида яқин йиллар мобайнида амалга оширилдиган товар оборотининг умумий ҳажми йилига 70 миллион доллар миқдорида белгиланди. Кейинроқ Югославияда бир қанча индустриал корхоналар қуриш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ совет ташкилотлари азот ўғитлари заводи, суперфосфат заводи, кучли теплоэлектростанция, шунингдек иккита кўмир-кошин-қалай конлари ва битта пўлат қуйиш цехи учун проект ишларини бажарадилар ҳамда ускуналар етказиб берадилар.

1956 йил февралда Совет Иттифоқи Югославияга 54 миллион доллар миқдорида товар кредити берди. Бу кредитдан Югославия уч йил мобайнида фойдаланади. Совет Иттифоқи Югославияга олтин ёки валюта билан имтиёзли шартлар асосида 30 миллион доллар қарз бериш тўғрисида шартнома тузди. Югославия бу қарздан уч йил мобайнида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Шу вақт мобайнида Совет Иттифоқи билан Югославия ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида ва атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида ҳам битимлар имзоланди.

Югославиянинг халқ демократияси мамлакатлари — Польша, Чехословакия, Венгрия билан бўлган иқтисодий алоқалари ҳам ривожланмоқда ва кенгайиб бормоқда.

«Экономска политика» деган югослав журналининг маълумотларига қараганда, ЮФХРнинг ташқи савдоси муваффақият билан ривожланиб бораётганлиги натижасида мамлакатнинг савдо балансидаги дефицит 6 миллиард динарга, яъни ўтган йилнинг биринчи кварталидаги 20,8 миллиард динардан бу йил I кварталда 14,8 миллиард динаргача камайган. Совет Иттифоқи югослав экспортида 14-ўриндан 4-ўринга чиқиб олди. Осиё мамлакатларининг югослав савдосидаги ҳиссаси ҳам кўпайди. Хитой Халқ Республикаси билан Югославия ўртасида биринчи марта иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди, иккала мамлакат ўртасида товар айирбошлаш дастлабки вақт учун 2,5 миллион фунт стерлинг миқдорида белгиланди. Шунингдек илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисида ҳам хитой-югослав битими имзоланди. Югославиянинг ССРР ва халқ демократияси мамлакатлари билан бўлган нормал муносабатларининг тикланганлиги кенг ва ўзаро манфаатли имкониятларни очиб берди. Бу ҳозир ҳамма учун аён бўлиб қолди. ЮФХРнинг социалистик мамлакатлар билан бўлган иқтисодий алоқалари унинг капиталистик мамлакатлар билан бўлган алоқаларига ҳеч бир тўсқинчилик қилмасдан, балки Югославиянинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаётда, уни жаҳон капиталистик бозорининг конъюнктура тасодифларидан таъсиридан ҳалос қилмоқда, мамлакатнинг савдо балансини яхшиламоқда. Югославия зарур бўлган қолларда социалистик мамлакатларнинг ёрдамидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ҳозирги шароитда Гарбдаги ҳар қандай мамлакатларнинг Югославияга манфаат келтирмайдиган савдо шартларини ёки кредитларни қабул қилдириш йўлидаги ҳар қандай уринишлари аввалги даврдагига қараганда ҳам кўпроқ пуч бўлиб чиқади. Югославия ўзининг тинч социалистик қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини таъминлашда социалистик мамлакатларнинг ёрдамига ва уларнинг астойдил кўрсатган мададига ҳар вақт таяна олади.

Декларация ССРР билан ЮФХР ўртасида тўхтовсиз ривожланиб бораётган маданий, ижтимоий, илмий ва спорт алоқалари учун қулай имкониятлар яратиб берди. Совет Иттифоқида ЮФХР Иттифоқ Халқ Скупшчинасининг делегацияси меҳмон бўлди. СССР Олий Советида, заводлар, фабрикалар, колхозларда делегация қардошларча кутиб олинди. Ўз навбатида Югославияда ҳам СССР Олий Советининг делегацияси ана шундай самимият билан кутиб олинди. Касаба союз делегацияларн ва журналистлар делегациялари, артистлик ва театр коллективлари гастроллари ўзаро алмашинди.

Бир-бирларига делегациялар юбориб туриш ҳамда йўлга қўйилган маданий алоқалар халқларимизга бир-бирларини яхшироқ билиб олиш, яхши тажрибадан фойдаланиш имкониятини бермоқда. Мамлакатларимиз ўртасида маданий алоқалар ва информация айирбошлаш тўғрисида тузилган битимлар маданий соҳадаги ҳамкорлик учун мустаҳкам база яратиб бермоқда.

Совет-югославия Декларациясининг муваффақият билан амалга оширилиши бу ҳужжатнинг ҳаётийлигини ва зўр халқаро аҳамиятини яна бир марта намойиш қилиб кўрсатмоқда. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашганлиги Европадаги халқаро кескинликни юмшатишда анча муҳим роль ўйнади.

Совет-югослав муносабатларининг бузилганлиги даври ўтиб кетган, дўстона муносабатлар учун мустаҳкам негиз вужудга келтирилган ҳозирги вақтда ССРР билан ЮФХР халқлари ўртасидаги тенг ҳуқуқлилик асосларига қурилган қардошлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун янада қулайроқ шароитлар мавжуддир.

Югославия Федератив Халқ Республикаси, бу мамлакат конституциясида кўрсатилганидек, суверен ва тенг ҳуқуқли халқларнинг социалистик демократик иттифоқ давлатидир. Югославияда бутун ҳокимият меҳнаткаш халқникидир. Меҳнаткаш халқ ҳокимияти халқ комитетларидаги, халқ скупшчиналаридаги, ишчи советларидаги ва ижтимоий ўз-ўзини идора қилишнинг бошқа органларидаги ўз вакиллари орқали амалга оширади.

Югославияда асосий ишлаб чиқариш воситалари халқникидир ва улар социалистик мулк ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида ҳам социалистик сектор секин-аста ривожланиб бормоқда. Югославия коммунистлар Союзи ЮФХР да социализм қуриш юзасидан қилаётган ишларида марксча-ленинча назарияга амал қилмоқда. Югославияда социалистик муносабатларни ривожлантириш бу мамлакатнинг конкрет-тарихий шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олиб амалга оширилмоқда.

Мамлакатнинг ўтмишдаги иқтисодий қолоқлиги муваффақият билан тугатилмоқда. Бу республикада ҳозирги замон саноати вужудга келтирилмоқда ва малакали маҳаллий кадрлар ўсиб етишмоқда. Югославия урушдан сўнгги ўн йиллик тараққиёт даврида саноат ишлаб чиқариш ҳажмини урушдан олдинги энг юқори даражага қараганда 2,5 марта кўпайтирди, электр қувати ишлаб чиқаришни 3,7 марта, қора металлургияда маҳсулот ишлаб чиқаришни 3,5 марта, машинасозликда эса 4,25 марта кўпайтирди. Ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш шу вақт мобайнида 9 марта кўпайганлиги характерлидир. Мамлакатнинг миллий даромадида саноатнинг салмоғи 2 мартадан зиёдроқ кўпайди.

Янги Югославия ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. У янги, социалистик тузум барпо қилиш йўлида муқаррар равишда учрайдиган қийинчиликларни муваффақият билан енгиб ўтмоқда.

Совет Иттифоқи билан Югославия халқлари олижаноб манфаатларининг бирлиги, иккала мамлакатнинг халқаро кескинликни юмшатиш учун кураш майдонида актив ҳаракат қилаётганликлари тинчлик ва социализм кучларини мустаҳкамламоқда.

Совет халқи Белград Декларацияси асосида ССРР билан Югославия ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг мустаҳкамланишидан астойдил қувонади. Москвада совет ва югослав раҳбар арбобларининг учрашувларя иккала мамлакат ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш ишига, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига янги муҳим ҳисса бўлиб қўшилади, деб ишонади.

М. СЛАВЯНОВ.

Барча куч ва имкониятларни ғўза парваришини намунали ўтказишга сафарбар этайлик!

Мўл ҳосил учун кураш қизғин бормоқда

Ўртасарой районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Муракбар Фозилов бошлиқ бригада аъзолари ўтган йили чигит экишда янги, прогрессив усулни дадиллик билан қўлланиб, мавжуд пахта майдонларининг ҳар гектаридан 27 центнердан ҳосил йиғиб олишга муваффақ бўлган эдилар. Бригада аъзолари ўтган йили қўлга киритган ютуқларини бу йил янада мустаҳкамлаш мақсадида барча пахта майдонларига ғўзаларни квадрат-уялаб жойлаштирдилар. Квадратларда барқ уриб яшнаётган ғўзалар икки томонлама сифатли культивация қилинмоқда.

Бригаланинг ҳар бир аъзоси сидқидилдик билан меҳнат қилаётирлар. Улар ҳар кун, ҳар соатдан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Ғўза парваришида Ҳ. Холматова, З. Нурматова, Ҳ. Мирзараимова, З. Ўринбоева сингари илғор кетмончилар кунлик чопиқ нормаларини 2 ҳиссадан ошириб адо этаётирлар.

Т. ОТАҚУЛОВ.

Совхознинг бир бригадасида

2-«Далварзин» совхозининг ўртоқ Эгамберди Мақсудов бошлиқ бригада ишчилари бу йил 108 гектар пахта майдонларининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил олиш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир бригаданинг барча майдонларида ғўза парвариши конвейер усулида олиб борилмоқда. Ғўзалар бир текис ўсиб, яшил квадратлар ҳосил қилган.

Бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, ғўзани икки марта культивациядан ва икки марта кетмон чопигидан чиқардилар.

Бригадада ишлаётган универсалчилардан Н. Воҳидов, Б. Маҳсумов, С. Каримов ўртоқлар ғўза парваришида ташаббускорлик кўрсатаётирлар. Улар кунига 6-8 ўрнига 15-18 гектарга етказиб сифатли культивация қилаётирлар. Ғўзалар қулай агротехника муддатларида сифатли парвариш қилинаётганлиги сабабли шоналай бошлади.


А. ЭҲСОНОВ.

Ғўза парвариши намунали ўтказилаётир

Мирзачўл районидаги Шверник номли колхоз аъзолари мавжуд пахта майдонларида ғўзаларни тор қаторлаб ва квадрат-уялаб ўстирмоқдалар. Мўл ҳосил учун кураш олиб бораётирлар. Бригадалараро социалистик мусобақада колхозда илғор ҳисобланган Ш. Тошбоев, Т. Ҳожимуратов, С. Эшонқулов ўртоқлар бошлиқ бригада аъзолари механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, ғўза парваришида олдинда бораётирлар. Б. Отахонов, С. Умматов ўртоқлар сингари илғор звено бошлиқларининг пахта далаларини айланган киши уларнинг самарали меҳнатларини кўриб беҳад қувонади. З. Биляев, С. Усмонов ўртоқлар каби илғор универсалчилар ҳам сидқидилдик билан меҳнат қилаётирлар.

Колхоз аъзолари бу йил жонажон Ватанимизга ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етказиб бериш учун курашаётирлар.

Х. САГИЗОВ,
Ғ. АЛИБЕКОВ,
М. ИСАЕВ.



Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхозида ғўза парвариши ҳартарафлама муваффақиятли ўтказилмоқда. Бу соҳада колхознинг 12-бригадаси аъзолари эришаётган муваффақиятлар алоҳида тақдирга сазовордир. Бу бригадада хизмат қилаётган универсалчи ўртоқ Аҳмедов квадрат-уялаб ўстирилаётган ғўзаларни иккинчи марта сифатли культивация қилмоқда.

В. Салов фотоси.

Ғўза парвариши кечиктирилмоқда

4-Боёвут совхозининг ишчи ва хизматчилари ўтган йили ғўза парвариши ва пахта йиғим-терими даврида қатор хато ва камчиликларга йўл қўйганликлари учун давлатга пахта топшириш планини бажара олмаган эдилар. Совхоз раҳбарларининг хотиржамлик кайфиятида юрганликлари, контролдик ва талабчанликни бўшаштириб юборганликлари сабабли ўтган йилги хатолар бу йил ҳам такрорланмоқда. Ишчилар ўртасида меҳнат тўғри ташкил этилмаган, интизом мустаҳкам эмас, ўзаро социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилмаган, мавжуд механизация кучидан етарли фойдаланилмаётир. Мана шуларнинг ҳаммаси мўл ҳосил гарови бўлган ғўза парваришининг кечикишига, шунингдек бажарилаётган ишларнинг сифатсиз бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозир совхознинг биринчи бўлими пахта далаларини айланган киши ўз вақтида чопиқ ва культивация қилинмаганлиги учун ўт босиб кетган ғўзаларни кўриб ачинади. Ирик карталарда эса чигит суви берилмаганлиги сабабли чигит бир текис униб чиққан эмас. Бўлимнинг ўртоқ Бойматов бошлиқ бригадасида 60 гектарлик картага уч марталаб чигит экилди. Афсуски, ер сифатсиз ишланганлиги, экиш пала-партиш ва шошмашошарлик билан ўтказилганлиги натижасида ҳалигача қадар ғўза туплари нормал қалинликда бўлишига эришилгани йўқ. Бу ерларнинг ҳаммасини хилма-хил бегона ўтлар қоплаб кетди. Ана шунга қарамай бригада бошлиғи бу карталарни тезда бегона ўтлардан тозалаш, культивация ва чопиқ ишларини кучайтириб юбориш ўрнига хотиржамлик кайфиятида юрипти. Бу ёмон аҳволни бўлим агрономи ўртоқ Шаропов, совхоз агрономи ўртоқ Зокировлар кўрабила туриб, ҳеч қандай амалий тадбир кўрмаётирлар. Бригадада суғориш ишлари ҳам мутлақо талабга жавоб бермайди. Яқинда 30 гектарли картага чигит суви берилган эди. Лекин табақалаб суғоришга эътибор берилмаётганлиги, 200-250 метрли эгатлар ўртасида ўқ ариқлар олинмаганлиги сабабли ғўза бир текис суғорилмади. Картанинг 30-40 процентини сув қоплаб кетган бўлса, қолган қисми қондириб суғорилмади. Суғориш ана шундай қўпол равишда бузилган бўлса ҳам, агроном ўртоқ Шаропов лом-мим демай, ишни қабул қилаберди ва сувчига тўла ҳақ ёздирилди.

Бригада мавжуд 112 гектар пахта майдонида 170 тонна ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Бироқ ғўза парваришининг ҳозирги қизғин кунларида олиб борилаётган ишлар ана шу юксак мажбуриятга яраша эмас. Бригадада механизация кучидан ёмон фойдаланилмоқда. Шу кунгача 112 гектар пахта майдонидан фақат 24 гектари ягана қилинганлиги ва ана шу 24 гектар ердаги ғўзанинг ўзи культивация қилинганлиги фикримизнинг тўғри эканлигини кўрсатади. Бу ерда меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган, бригадага биркитилган 31 ишчидан ҳар куни 7-8 киши ишга чиқмайди, улар шахсий ишлари билан банд бўладилар. Кундалик нормаларини бажара олмаётган кишилар ҳам кўп. Шунинг учун ҳам эндигина 24 гектар ердаги ғўза кетмон чопиги қилинган. Бригадада ғўзаларни икки томонлама культивация қилишга ҳам эътиборсизлик билан қараламоқда.

Совхознинг Ҳошимов, Маматқулов, Яришев ўртоқлар бошлиқ бригадаларининг пахта майдонларини айланган киши ана шундай хато ва камчиликларнинг бу бригадаларда ҳам давом этаётганлигини кўради.

Совхоз раҳбарлари (директори У. Юсупов, партия ташкилотининг секретари Мирбобоев ўртоқлар) ғўза парваришида бўлим ва бригадаларда йўл қўйилаётган ана шу қатор хато ва камчиликларни тезда бартараф қилишлари ва мўл ҳосил учун курашни кучайтириб юборишлари керак.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ.

Бўстонлиқ ҳақида қўшиқ

Анвал ПУЛАТ

Жонга роҳат, хушҳаво, шўх сувлари шарбат, зилол,
Қорли тоғлар жилвасин кўрган киши бўлғуси лол.
Боғлари гулга тўла, кенг қирлари кўрнам жамол,
Шонли меҳнатда ҳамиша халқимиз топди камол.

Бўстонлиқ боғимиз тобора бўстон бўлғуси,
Олтину гавҳарли конлар устига кон бўлғуси,
Қаҳрамон халқ шуҳрати оламга достон бўлғуси,
Тинч ҳаёт яшнаб яна турмуш фаровон бўлғуси.

Боғу бўстонда қувондик ёру дўстлар яйрашиб,
Янги гулшан булбулидек шоду- хуррам сайрашиб,
Икки қардош халқ яна ортиқ муҳаббат боғлашиб,
Меҳнату ижодда доим чин юракдан ҳаллашиб.

Тўҳфадир жўлдас қозоқлардан бу яйлов, янги боғ,
Янги ерлар яшнагай қолмай юзида зарра доғ,
Шу ғўзал озод Ватанда ҳамма бахтли, иўнгли чоғ,
Мангу порлар бошимизда партия ёққан чироғ.

СЎНГГИ ПОЧТАДАН

Сайловчиларнинг мулоҳазалари қани?

Бўка районида маҳаллий Совет депутатлари сайловчилар олдида ҳисоб бердилар. Сўзга чиққан сайловчилар депутатлар фаолиятидаги камчиликларни очиб ташладилар ва уларнинг бундан кейин қилишлари керак бўлган ишлари юзасидан фойдали маслаҳатларни бердилар. Айрим депутатларнинг ўз сайловчилари билан яқиндан алоқа қилиб, тез-тез ҳисоб бериб турмаётганликлари танқид қилинди.

Лекин район газетаси — **«Сталин байроғи»** ўз саҳифаларида депутатларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бергани ҳақидаги материалларни системали ёритиб турмади. Газета редакцияси сайловчиларнинг депутатлар олдига қўяётган талабларига кўп вақт эътиборсизлик билан қараб келди.

Узоқ давом этган жимжитликдан кейин газетанинг шу йил 31 сонида депутатларнинг сайловчилар ўртасида ҳисоб бергани ҳақида меҳнаткашлар депутатлари район Совети ижроия комитети секретари ўртоқ Д. Хожиевнинг имзоси билан бир мақола босилди. Мақола автори депутатлар фаолиятидаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлаш ўрнига айрим раҳбар ходимларга хушомадгўйлик қилишдан нарига ўтмаган. Бунинг устига мақола саводсизларча ёзилган, унинг тили жуда ғализ.

«Район Советига Димитров сайлов округидан депутат бўлиб сайланган, — дейилади мақолада, — **район партия комитетининг секретари ўртоқ З. Шайхов ўз сайловчилар (??) олдида халқнинг маданий турмушнинг (?) яхшиланиш ва районда 1956 йилда тугруқхона, нонвойхона ва ғишт заводи қурилишини тамомлаб ишга тушириш, шунингдек Бўка-Алимкент тош йўлини яқин кунда битказиб ишга туширилишини айтди».**

Райкомнинг МТС зонаси бўйича секретари, депутат А. Кечининг сўзи бундан ҳам дағал қилиб берилган. Ундан ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Мана райком секретарининг гапларини газета қуйидагича ёзади: **«... Ўртоқ А. Кечин колхозга МТС томонидан механизация ёрдамини яна ҳам кучайтиришимиз керак. Бу эса биз депутатларининг (?) вазифасидир. Охунбобоев номли колхоз 1955 йилда пахтадан юқори ҳосил етказилди...»**

Райком секретарининг бу сўзларидан кейин Хрущчев номли ва Сталин номли колхозларнинг раислари Иброҳимов ва Файзиев ўртоқлар трибунага чиқдилар ва **«Уз депутатларининг яқиндан берётган ёрдамларидан миннатдор эканликларини билдирдилар».**

Район раҳбарларига колхоз раисларининг бундай хушомадгўйлик билан айтган миннатдорчиликларини ҳисобга олмаганда бу мақолада биронта оддий сайловчининг мулоҳазаси, депутатларнинг халқ наказини қандай бажараётганлиги ҳақидаги фикри йўқ, аксинча мақолада раҳбарларга нисбатан хушомадгўйлик қилиш аввга чиқарилиб, уларнинг ишидаги камчиликлар тилга ҳам олинмайди.

Мақола қуйидаги баландпарвоз сўзлар билан тамомланади: **«Район Советининг депутатлари сайловчиларнинг топшириқларини шараф билан бажариб, уларнинг ҳурматларига сазовор бўлдилар».**

Раҳбарларга нисбатан лаганбардорлик руҳида ёзилган, сайловчилар фикрини тўла ифодалайолмаган мақолаларни газетада босиш—умумий ишимизга зарар етказади, танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса куйидан бўладиган большевистик танқидни ривожлантиришга тўсқинлик қилади, депутатларни ўз сайловчиларидан узоқлаштиради, Наҳотки «Сталин байроғи» газетасининг ходимлари, биринчи галда унинг редактори ўртоқ Қ. Умаров бунга тушунмаса!

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

Автобуслар ҳаракатида тартиб ўрнатилсин

9-маршрут бўйича қатновчи автобус ҳаракати назоратсиз қолдирилган. Автобус илгари Абразив заводига Куйбишев кўчасидан қатнар эди. Бу ердаги диспетчер автобусларни ўз маршрути бўйича белгиланган вақтларда қатнаб туриши устидан назорат қилиб турар эди. Энди 9-маршрут автобуси Энгельс кўчасидан қатнайдиган бўлиб қолган. Бунинг натижасида автобуслар ҳаракати назоратсиз қолиб, шоферлар кўнгиллари тусаган ишни қилмоқдалар.

Автобуслар жадвал бўйича қатнамайди. Автобуслар ҳар 15-20 минутда келиб-кетиши керак бўлгани ҳолда, улар охирги остановкада йиғилиб, узоқ вақтгача кўп-галмай турадилар. Кеч соат 10 дан кейин қатнайдиган дежурний автобус нима сабабдандир доим бўлавермайди. Бунинг натижасида завод ишчилари кеч пайтлари узоқ масофани яёв босиб ўтишга мажбур бўлмоқдалар. Автобуслар ҳаракатини тартибга келтириш ҳақида матбуотимизда танқидий фикрлар ҳам ёзилди. Лекин автотранспорт базасининг раҳбар ходимлари меҳнаткашларнинг талабларидан ўзларига тегишли хулоса чиқариб олмаётганликлари ҳаммани таажжубга солмоқда. Автобуслар ҳаракатида қачон тартиб ўрнатилади?

Г. АЛФЕРОВ,

Ёзлик кийимлар қачон келтирилади?

Ёз пайтида ёзги кийим керак. Буни тушунмайдиган бирорта ҳам киши бўлиши мумкинми, ахир?! Оқни қора, қорани оқ дейдиган кишигина буни тушунмаслиги мумкин. Лекин Чиноз район матлубот жамияти ходимлари ва хусусан унинг раиси ўртоқ Нурушева ёз фаслида қишлоқ меҳнаткашларига ёзги кийим керак эканлигини тушунмаётирлар.

Мабодо шу кунлари район матлубот жамиятига қарашли барча магазинларга бирма-бир кириб чиқсангиз, уларда оқ туфли, болалар оёқ кийими, оқ шим, похол шляпа, умуман ёз кийимларини учратмайсиз. Бу ҳақда матбуотда ҳам ёзилди, лекин ҳеч қандай натижа бўлмади. Қишлоқ аҳолиси, пахтакор колхозчилар районда совет савдосини яхшилаш, зарур бўлган кийим-кечакларни етказиб бериш ва озиқ-овқат, шунингдек хўжалик моллари билан савдо қилиш ишларини жонлантириб юборишни кўп марта талаб қилган эдилар. Талаб қилинган буюмларнинг магазинларга ҳануэгача келтирилмаганлиги матлубот жамияти раҳбар ходимларининг меҳнаткашлар талабига эътиборсизлик билан қараётганидан дарак беради. Талаб қилинаётган моллар бизга қачон келтирилади?

Х. УСМОНҚУЛОВ,
Ленин номли колхоз аъзоси.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Ғўзани тўғри суғориш мўл ҳосил гаровидир

Мирзачўл районларининг тупроғи шўр ва шўрсиз бўлган ерларида сизот сувлари ҳар хил чуқурликда туради. Бундай шароитда ғўзани ўсиш даврида тўғри суғориш ғоят катта аҳамиятга эгадир. Бу районларда суғоришни табақалаштириш айниқса муҳим бўлиб, ҳар бир участка ва пайкалнинг конкрет хусусиятини ҳисобга олган ҳолда суғориш сони, муддатлари, шунингдек ҳар галги суғоришда бериладиган сув нормасини тўғри белгилаш талаб этилади. Ана шундагина ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишини бошқариш, тупроқ унумдорлигидан тўла фойдаланиш, пахтани эрта етилтириб мўл ҳосил олиш мумкин бўлади.

Мирзачўл ерларида ғўзани суғоришни ташкил этишда тупроқнинг ҳоссаси, ишланиб келганлик даражаси, унумдорлиги, шунингдек сизот сувларининг чуқурлиги ва шўрданганлигини қатъий эътиборга олиш айниқса зарурдир.

Тупроқ ҳоссаси ва унинг сув ўтказувчанлиги, шунингдек нам тутиб қолувчанлиги қанча ёмон бўлса, унумдорлиги шунча кам, зич ва кўпроқ ишлашни талаб этади. Бу ҳолда агротехника тадбирлари тўғри ва тўла амалга оширилмаса, суғоришда кўп сув сарф қилишга тўғри келади.

Сизот сувларининг чуқурлиги, уларнинг шўрлик ва тупроққа сингиш даражаси ҳам катта таъсирга эга. Сизот сувлари юза турган ерларда тупроқ ҳар хил даражада нам бўлади. Шунга қараб ерларни 3 группага ажратиш мумкин. Булар сизот сувлари 0,5-1 метр, 1-2 метр ва 2-3 метр чуқур турган ерлардир. Сизот сувлари 2-3 метр чуқур турган ерларда тупроқнинг намлиги жуда кам, 1-2 метр чуқур турган ерларда кўп ва 0,5-1 метр чуқур турган ерларда жуда кўп бўлади.

Агар сизот сувлари чуқур ёки бир оз шўр, яъни 1 литр сувда 1,5-2 грамм туз бўлса, бу сув анча фойдали бўлади. Чунки бундай ерларда ғўза фақат ер бетидагина эмас, балки ер остидан ҳам суғорилади. Шунга биноан бундай ерларда ғўзани суғоришга сарфландиган сув миқдорини камайтириш ҳам мумкин бўлади.

Сизот сувлари жанна шўр, яъни унинг 1 литрида 5-10 грамм туз бўлган ерларда аҳвол бутунлай бошқача. Бундай сувлар бир мунча юза турган ерларда, тупроқ ўсув даври давомида ҳам анча шўрланиб, натижада ғўза бир мунча уринади, яхши ўсиб ривожланмайди. Агар ўсув даврида суғориш йўли билан тупроқ бирмунча нам қилиниб турилса, демак, шунинг ўзи билан сизотдаги тузни бир мунча пастга тушириш, демак, шўрининг ўсимликка бўладиган зарарли таъсирини бутунлай йўқотиш ёки жуда камайтириш мумкин. Мирзачўлнинг илғор пахтакорлари бу ҳолни яхши эътиборга олиб, ўзларининг амалий ишларида қўлланиб келмоқдалар. Улар бундай ерларда ғўзани кам норма билан тез-тез суғориб турадилар. Натижада вақтида шўри яхши ювилмасдан ғўзаси уриниб қолган ерлар тозаланиб ўсимликнинг ҳаёт шароити яхшиланади.

Сизот сувлари юза турган ҳамда чучиқ ёки бир оз шўр бўлган ерларда чигит тўла униб чиққандан кейин ғўза анча вақтгача суғорилмаса ҳам, нормал ўсиб ривожланиб беради. Шунинг учун бундай ерларда ғўзани эрта суғориш фойдали бўлмайди, балки зарарлидир. Илғорларнинг ишлаб чиқариш шароитидаги тажрибаларига қараганда сизот сувлари 0,5-1 метргача чуқур турган ерларда ғўзани гуллаш олидан ёки гуллай бошлаганда, сизот сувлари 1-2 метргача чуқур турган ерларда шоналаш олидан суғориш лозим, аммо сизот сувлари 2-3 метргача чуқур турган ерларда эса ғўзани май ойида, яъни шоналашгача суғориш керак.

Сизот сувлари чуқур турган, шунингдек ернинг бетки қаватида нам етарли бўлмаган ҳамма ерларда ғўзани шу кунларда суғориш керак. Шунингдек шўр туфайли ғўза яхши ўсмаётган айрим участкаларни ҳам суғориш талаб этилади. Ҳар бир колхоз ва совхоз суғориладиган экин майдонлари кўп эканлигини эътиборга олиб, суғоришни кечиктирмаслиги лозим. Ўтган йил кўпгина колхозлар биринчи суғоришни кечиктириб юбордилар. Кейин ҳамма ерни суғоришга киришнни келиб қолиб ишга тушганда ғўзалар 3 марта суғорилиб, бунда ҳар гектарга жами 2400-2600 кубометр, сизот сувлари 1-2 метр чуқур турган ерларда ғўза 4-5 марта суғорилиб, жами 3600-4200 кубометр, ниҳоят, сизот сувлари 2,5-3 метр чуқур турганда 6-7 марта суғорилиб, жами 5200-5400 кубометрдан сув сарфланади.

Мирзачўл районларидаги «Октябрь» колхозида сизот сувлари 1,8-2 метр чуқур турган ерлар, кузда шудгор қилинган бўлса, ғўза 3-4 марта, кўкламда ҳайдалган бўлса 5 марта суғорилиб, мўл ҳосил етиштирилмоқда. Масалан, 1954 ва 1955 йилларда 850 гектар ернинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Айрим бригадалар 35 центнер ва ундан ҳам ошириб ҳосил етиштирдилар.

Яхши ишлаган, унумдор (бедадан чиққан) ерларда суғориш сони ва суғориш нормаси бир мунча камайтирилиши мумкин. Бу жиҳатдан Мирзачўлдаги «Золотая орда» тажриба станциясида сизот сувлари 1,8-2 метр чуқур турган катта карталарда ўтказилган тажрибалар натижаси анча диққатга сазовордир. Бу ерларга 1954 ва 1955 йилда беда бузилганидан кейин биринчи ва иккинчи йилларда ўстирилган ғўза икки-уч марта суғорилиб, ҳар гектар ерга жами 2000-3000 кубометрдан сув берилганида гектаридан 37-44 центнердан, 4-5 йилларда ўстирилган ғўзалар 3 марта суғорилиб 2500-4000 кубометр сув сарфланганда ҳар гектардан 27-36 центнердан ҳосил олинган. Демак, ер унумдорлиги камайган сари суғориш сони ва нормаси ошган. Ҳали етарли даражада эканлиги қилинмаган, шўрҳок ерларда илғор колхозларнинг пахта етиштиришдаги тажрибаларини кенг қўлланиш катта аҳамиятга эга. Илғор пахтакорлар бундай ерларда ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган, шўрҳокликдан қийналган ғўзаларни яхши ишланган ерлардаги ғўзага нисбатан 1-2 марта ортиқ суғорадилар. Шу билан бирга улар вақтинчалик ариқ ва ўқ ариқлар ҳар жойдан ўтказиб турилди. Биринчи навбатда ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган ва шўрхок майдонларда ғўзаларни шундай ўгитланган сув билан суғорадилар. Натижада ана шунда сув билан икки марта суғорилган ерлар ғўзаси тезда ўзини тиклаб олади.

Суғоришни далачилик бригадаларида жорий этилган умумий сув обороти асосида ташкил этиш лозим. Бу ҳолда сув кўп ариқларга бўлиб юборилмасдан 1-2 ариққа марказлаштирилади ва катта участканинг ҳаммасидаги ғўза бир йўла суғорилади. Суғориш шу усулда ташкил этилганда сув бўлиниб, ариқларга шимилиб ёки ортиқча буғланиб кўп нобуд бўлмайди, бир йўла катта-катта участкалар ғўзаси суғорилгани учун, қатор оралариии ишлашда культивация агрегатларининг тўхтовсиз ишлаши таъмин этилади.

Ўтган йили Мирзачўл районидаги кўпгина колхозлар берилган сувни хўжаликнинг бутун территориясига тақсимлаб юбориш билан бирга етарли сувчилар ҳам ажратмадилар. Натижада яхлит участкаларда ғўзани тобида суғориш билан бирга кўпгина майдонларга ғўза қатор оралариии вақтида ишлаш мумкин бўлмай қолди.

Бу йил ана шундай хатоларни такрорламаслигимиз керак. Йириклашган участкаларга бир неча сувчи қўйиб, ғўзани ҳамма ерда бир йўла суғориб олишга эришиш керак. Бунда ишни шундай уюштириш керакки, ҳар суткада суғориш майдон тракторларнинг камида бир кун тўла ишлаши учун етарли бўлсин. Агар бутун участка учун сув битта ариқдан олиниб бир неча ўқ ариқлар орқали эгатларга тарала ҳамма ер бирйўла суғорилиб, тупроқ бир вақтда етилади. Бу ҳолда сувчилар бир-бирларига ҳам ёрдам бериб иш анча уюшқоқлик билан ўтади. Сув ортиқча оқава қилинмайди, баъзан оқавани беқорга кетказмасдан, пастдаги участкаларни суғориш ҳам мумкин бўлади. Натижада сув ва сув харажати камаяди. Суғориш вақти қисқаради, сувчиларнинг меҳнат унуми ошади.

Ғўза тор қаторлаб (50-65 сантиметр) ўстирилаётган ерларда эгатларнинг узунлиги, чуқурлиги эгатга қуйиладиган сув оқими 70 сантиметрли қатор оралардагига нисбатан кам бўлиши талаб этилади.

Суғоришдан кейин тупроқ етилиши билан қатор оралариии тезда культивациялаб олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Ўтган йил Верхне Волинск районидаги кўпгина колхозлар, жумладан, Энгельс номли, Свердлов номли, Маленков номли колхозларда бу ишлар ўз вақтида қилинмади. Натижада ерлари ёриқ-ёриқ бўлиб кетди, ёриқлардан буғ чиқиб кетди, ўсимлик илдизлари шикастланди. Айрим ҳолларда ғўзани такрор суғоришга тўғри келиб қолади, натижада ортиқча меҳнат, ортиқча сув сарфланади.

Мўл ҳосил етиштириш учун суғориш сувларидан унумли фойдаланиш ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар ҳам тўла амалга оширилиши керак. Суғориш шоҳобчалари, сув тақсимлаш иншоотларининг техник ҳолатини яхшилаш, сувни тежаб сарфлаш, ғўзани кечаси ва кундузи суғориш, оқавани иложи борича чиқармаслик зарур.

Сизот сувлари юза турган ва шўр сизот сувлари яхши силжимайдиган ерларда зовурларни, коллекторларни тез-тез тозалаб туриш лозим.

Ғўзани ҳар ернинг ўз шароитига қараб, табақалаштириб, кеча-кундуз суғориш, сувни тежаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш йўли билан пахтадан мўл ҳосил етиштириб келаётган илғорлар тажрибасини кенг қўлланайлик.

А. НЕРОЗИН,
СоюзНИХИ илмий ходими.

ПАРИЖ МЕҲНАТКАШЛАРИ КОММУНАРЛАР ДЕВОРИ ЁНИГА БОРДИЛАР

ПАРИЖ, 28 май. (ТАСС). Кеча Перлашез қабристонидаги коммунарлар девори ёнига Париж меҳнаткашларининг оммавий традицион юриши ўтказилди. Франция Коммунистик партияси, Умумий меҳнат конфедерацияси, Франция республикачи ёшлар союзи ва бошқа демократик ташкилотларнинг раҳбарлари билан биргаликда минг-минглаб парижликлар Жазойрдаги урушни тўхтатишга ва инчилар синфи ҳаракатини бирлаштиришга даъват этган плакатларни кўтариб, Коммунарлар девори ёнига бордилар.

Франция социалистик партияси ва «Форс увриер» касаба союз бирлашмаси ҳам кеча Коммунарлар девори ёнига юриш уюштирди. Ана шу юришда Андрэ ле Троккер, Жюль Мок ва социалистик партиянинг бошқа етакчи арбоблари ҳам қатнашдилар.

1 ИЮНЬ — БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Чехословакияда тайёргарлик

ПРАГА, 28 май (ТАСС). Чехословакияда Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига тайёргарлик кўрилмоқда. «Халқаро болалар куни» деган махсус адабий тўплам босилиб чиқди. Тўпламда чехословак болаларнинг ҳаёти, уларнинг оилада ва мактабда тарбияланиши тўғрисидаги ҳикоялар, пьесалардан олинган парчалар, шеърлар босилган.

Тўпламда айтилишича, бутун мамлакатда болаларнинг йиғилишлари ўтказилади. Йиғилишларда Совет Иттифоқига, Польшага, Руминияга, Венгрияга, Болгарияга ва бошқа мамлакатларга бориб келган болалар сўзга чиқадилар. Прагадаги ва бошқа шаҳарлардаги кўпгина мактаб ўқувчилари ўзларининг чет эллардаги дўстларига ҳат ҳамда совғалар юбордилар. Ҳозирги вақтда болалар фильмларининг фестивалларини ўтказилмоқда. Мактабларда ва корхоналарда болалар бадиий ҳаваскорларида қатнашувчиларининг концертлари тайёрланмоқда.

Мактаб ёшидаги болалар 31 май кечқурун машъаллар кўтариб ўтказиладиган намойишда қатнашадилар. 1 июньда Чехословакия пойтахтидаги ва бошқа шаҳарлардаги боғ ҳамда парклларда сайиллар ташкил қилинади.

СОВЕТ АРТИСТЛАРИНИНГ ТЕХРОНДАГИ КОНЦЕРТЛАРИ ТУҒРИСИДА ЭРОН ЖУРНАЛИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ТЕХРОН, 28 май (ТАСС). «Умиди Эрон», журнали совет артистларининг Техронда қўйиб берган концертларига тўхталиб бундай деб ёзади: «Совет артистлари кейинги икки ҳафта ичида Техронда бир неча марта концерт қўйиб бердилар. Саккизта совет артистининг Эронга келиши иккала қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатларда шўҳасиз жуда катта воқиадир...»

Журналнинг қайд қилиб ўтишича, совет артистларининг концертларига ҳамма билетлар бу концертлардан бир неча кун илгари сотилиб бўлади. Совет артистлари Техрон аҳолиси билан бўлган учрашувлар, қабул маросимлари, концертлар вақтида, деб ёзади журнал, «очиқ кўнгилли, илтифотли, ҳушчақчақ кишилар эканликларини кўрсатдилар. Уларнинг маҳоратини баҳолаш учун кўп гапириб туришнинг эҳтиёжи йўқ. Совет артистларининг Эронда мисли сиз даражада яхши кутиб олинганликлари уларнинг маҳорати нақадар камолотга эришганлигини ва музика ҳаваскорлари уларни нақадар севиб тинглаганлигини кўрсатади».

Собиқ фронтчилар жаҳон федерациясининг VI бош ассамблеяси

БРЮССЕЛЬ, 28 май. (ТАСС). Бугун Брюсселда Бельгия фанлар академияси биносида Собиқ фронтчилар жаҳон федерациясининг VI Бош ассамблеяси тантанали суратда очилди. Ассамблеяда дунёдаги 35 мамлакатдан делегатлар қатнашмоқда.

Бош ассамблеяда Совет Иттифоқидан собиқ фронтчиларнинг вакиллари — Улуғ Ватан уруши қатнашчилари С. А. Борзенко ва А. С. Никитин кузатувчилар сифатида қатнашмоқдалар. Ассамблеяга Чехословакия, Венгрия ва Польшадан ҳам кузатувчилар келдилар.

Ассамблея очилган вақтда Бельгия бош министри Ван Акер, сенат раиси Жиллон, машҳур француз сиёсий арбоблари Венсан Ориоль, Даниэль Мейер, Бельгиядаги бир қанча дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Федерациянинг фахрий раиси, Францияниинг собиқ президенти Венсан Ориоль кириш нутқи сўзлади. У Федерациянинг кейинги йил ичидаги фаолияти ҳақида сўзлаб ,федерация олдида турган вазифаларни таърифлаб берди.

Бельгия бош министри Ван Акер делегатларга қарата табрик нутқи сўзлади.

Бивен нутқи

ЛОНДОН, 28 май (ТАСС). Лейборист Бивен 27 майда Ньюкаслда ҳафталик «Трибюн» газетаси ташкил қилган митингда нутқ сўзлади. Пресс Ассошиэйшн агентлигининг хабарига қараганда, Бивен бундай деган: бундан 5 йил илгари инглиз халқига, Совет Иттифоқи ҳаммадан устун турган ҳарбий қудратни вужудга келтирди ва ғарбий давлатларга ҳужум қилиш ниятидадир, деб, айтиб келган эдилар. Эндиликда унга, саноат ва савдо-сотиқ соҳасида ҳавф бор, чунки Совет Иттифоқи жуда кўп олимлар, мутахассислар ва экспертлар кадрларига эгадир ва товарлар чиқариш ҳамда ҳизмат кўрсатиш билан биргаликда чет эллларга коммунизмни ҳам экспорт қилмоқчи, демоқдалар.

Бивен бундан, Совет Иттифоқи ўз ниятларини кутилмаганда ўзгартириб қўйди, деган хулоса чиқариш мумкинлигини айтиб, «халқни қачон бўлса ҳам бунақа алдаганлари борми?» деб савол берди. Бивеннинг айтишича, шахсан у Совет Иттифоқининг Ғарбга ҳужум қилиш нияти борлигига ҳечқачон ишонмаган. «Мен ўйлайманки, — деди у, — совет раҳбарлари ҳақиқатан ҳам Ғарбнинг ҳарбий планларидан кўрқиб, ва эҳтимол тутилган ҳужумни қайтаришга бир мунча тайёргарлик кўрганликлари вақти-соати келиши билан борган сари равшанроқ бўлиб қолади. Лекин урушдан кейинги вақтда уларнинг миллий куч-ғайрати асосан ўз саноатини қайтадан ташкил қилишга ва ўқитувчилар, олимлар ва техника соҳасида мутахассислар тайёрлашга қаратилган эди».

Сўнгра Бивен дедики, Ғарб «ҳеч қандай фойда келтирмайдиган қурол-яроғларга, учмасдан бекор турадиган самолётларга миллиардларгача фунт стерлинг сарфлади... Биз, немисларни қуроллантириш зарур, дедик ва шу билан Францияни ажратиб қўйдик». «Социалистик ҳаракат, — деди Бивен, — халқаро вазиятга реалистик асосда баҳо бераборшлаши лозим».

Сўнгра Бивен, Англия совет институтларига таклид қилмаслиги лозим, деб даъво қилди. Бироқ, у, Совет Иттифоқининг иқтисодий ва саноат соҳасидаги муваффақиятлари социалистик принципларни қўлланиш натижасидир, деб эътироф қилди. «Эндиликда, — деб илова қилди Бивен, — улар техника соҳасида минглаб олимлар ва мутахассислар тайёрлаб чиқара оладилар,биз эса мактабларимизни ва университетларимизни эътиборсиз қолдириб келдик».

СУРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ИОРДАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

БАЙРУТ, 28 май (ТАСС). Дамашқдан олинган хабарларга қараганда, бугун Сурия президенти Шукри Қуатли расмий визит билан Амманга жўнаб кетган. Бош министр ва ташқи ишлар министри Саид-Гози, миллий мудофаа министри Рашид Бармзда, маориф министри Маъмун Кўзбари, Сурия армиясининг генерал штаби бошлиги генерал Шавкат Шукейр ва бошқа бир қанча шахслар президентга ҳамроҳ бўлиб кетган.

Президент Қуатли ва унинг ҳамроҳлари Иорданияда бўлган вақтларида Иордания ҳукумати билан иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қиладилар.

Франциянинг Ҳиндистондаги собиқ мустамлака ерларини Ҳиндистонга топшириш тўғрисидаги шартнома имзоланди


ДЕҲЛИ, 28 май. (ТАСС). Бугун Деҳлида Франциянинг Ҳиндистондаги собиқ мустамлака ерлари Пондишери, Карикал, Маэ, Янаонни Ҳиндистонга топшириш тўғрисида Ҳиндистон билан Франция ўртасида тузилган шартнома имзоланди. Бу ерлар 1954 йил 21 октябрдаги битимга мувофиқ Ҳиндистонга топширилди.

Неру бугун Халқ палатасида шу тўғрида гапириб, Ҳиндистон территориясида Португалия маъмурлари эгаллаб турган ерлар тез орада Ҳиндистон иттифоқи составига қўшилади, деб умид билдирди.

Эркин кураш бўйича жаҳон кубогини олиш учун ўтказилган мусобақа тамом бўлди

ИСТАМБУЛ, 28 май. (ТАСС). Кеча бу ерда эркин кураш бўйича жаҳон кубогини олиш учун ўтказилган мусобақалар тамом бўлди. Туркия полвонлар командаси кубокни олишга муваффақ бўлди. Бу команда 44 очкога эга бўлиб, биринчи ўринни олди. 32 очкога эга бўлган Совет Иттифоқи командаси иккинчи ўринни, 25 очкога эга бўлган Болгария Халқ Республикаси командаси учинчи ўринни олди.

29 майда классик кураш бўйича жаҳон кубогини олиш мусобақалари бошланади. Бу мусобақаларда 15 мамлакат, шу жумладан, Совет Иттифоқи, Финляндия, Туркия, Болгария, Венгрия ва бошқа мамлакатларнинг командалари қатнашадилар.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тошкент астрономия обсерсатрияси ҳира юлдузлар каталогини тузиш учун галактикадан ташқари туманликларни системали равишда кузатиб бормоқда. **Суратда:** физика-математика фанлари кандидати астроном ўртоқ **А. Латипов** астраграф ёнида.

А. Аверьянов фотоси.

Югославия фильмлари фестивали

Тошкентда Югославия фильмларининг фестивали бошланди. «Комсомол 30 йиллиги» ва Тельман номли кинотеатрларнинг фасадлари СССР ва Югославия Федератив Республикаси байроқлари, халқлар дўстлиги шиорлари, югославия янги кинофильмларининг номлари ёзилган эълонлар ва афишалар билан безатилган.

28 майда «Комсомол 30 йиллиги» кинотеатри биносида Югославия фильмлари фестивалининг тантанали очилиши маросими бўлди. Бу йиғилишда «Қизил Ўзбекистон» газетасининг редактори ўртоқ Раҳимов Югославияга бориб у ердан олган ўзининг таассуротларини батафсил сўзлаб берди.

Югославия фильмларининг фестивали 28 майдан 4 июнгача давом этади. Бунда «Кувлаш», «Қиз ва дуб», «Улар икки киши эди», «Ҳал қилувчи дақиқалар», «Хазон қилинган умрлар» ва «Шубҳали шахс» каби кинофильмлар намойиш қилинади.

Қулупнай қиёмлари

Янгийўл районидаги 10-боғдорчилик совхозида қулупнай териш ишлари қизғин давом этмоқда. Совхоз боғбонлари Ватанимизнинг пойтахти Москва шаҳрида яшовчи меҳнаткашларга 3 минг тоннадан ортиқ биринчи сорт қулупнай совға қилдилар.

Шунингдек райондаги консерва заводида ҳам қулупнайдан сифатли қиём ва джемлар тайёрланмоқда. Заводга 9 ва 18-Вревский боғдорчилик совхозларидан ҳам кўплаб қулупнай келтирилмоқда.

Завод коллективи мавсумда қулупнайдан 50 минг банка қиём ва джем ишлаб чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

А. МЕЖИКОВСКАЯ.

1952 ИЙЛДА ЧИҚАРИЛГАН

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш давлат заёми

7-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

СПРАВКА ЖАДВАЛИ

Заёмнинг ўн тиражи 1956 йил 20 майда Ногинск шаҳрида ўтлиб ўтди.

Заёмнинг ҳамма разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди:

Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)	Серия номерлари	Облигация номерлари	Ютуқ миқдори (сўм билан)
120099	05*)	5.000	126938	1—50	200	133419	1—50	200
120266	1—50	200	127070	26*)	1.000	133447	08*)	1.000
120370	41*)	1.000	127322	1—50	200	133506	01*)	5.000
120395	10*)	1.000	127466	49*)	1.000	133521	32*)	1.000
120566	09*)	1.000	127493	1—50	200	133688	1—50	500
120601	32*)	1.000	127555	01*)	1.000	133814	1—50	200
120629	1—50	200	127753	38*)	1.000	133923	1—50	500
120638	29*)	1.000	127767	07*)	1.000	134033	1—50	500
120647	24*)	5.000	127797	1—50	200	134434	39*)	1.000
120678	22*)	1.000	127886	1—50	200	134477	23*)	1.000
120848	14*)	1.000	127888	44*)	1.000	134739	1—50	200
120993	31*)	1.000	127981	04*)	1.000	134971	1—50	200
121021	1—50	200	128017	04*)	1.000	134998	08*)	10.000
121088	03*)	1.000	128080	12*)	1.000	135012	29*)	1.000
121206	04*)	1.000	128115	37*)	1.000	135103	1—50	200
121213	1—50	200	128170	31*)	1.000	135164	21*)	5.000
121298	22*)	1.000	128173	10*)	1.000	135251	28*)	1.000
121343	1—50	200	128206	1—50	200	135376	35*)	1.000
121348	42*)	1.000	128373	1—50	500	135397	37*)	5.000
121378	11*)	5.000	128396	1—50	500	135750	1—50	200
121566	33*)	1.000	128416	1—50	200	135916	1—50	200
122021	06*)	1.000	128490	1—50	200	136007	1—50	500
122025	06*)	1.000	128504	22*)	1.000	136034	44*)	1.000
122235	08*)	1.000	128659	43*)	1.000	136063	26*)	1.000
122278	13*)	1.000	128744	35*)	1.000	136132	1—50	500
122375	05*)	1.000	129207	47*)	1.000	136338	1—50	200
122617	03*)	1.000	129307	1—50	500	136493	1—50	500
123182	1—50	200	129420	22*)	1.000	136587	45*)	10.000
123356	17*)	1.000	129609	26*)	1.000	136674	1—50	200
123432	17*)	1.000	129713	1—50	200	136740	1—50	200
123491	24*)	1.000	129766	1—50	500	136742	1—50	200
123568	04*)	1.000	129815	06*)	1.000	137001	46*)	1.000
123650	49*)	1.000	129924	1—50	500	137018	13*)	1.000
123718	09*)	1.000	129954	20*)	1.000	137281	1—50	200
123752	11*)	1.000	130132	1—50	500	137658	27*)	1.000
124070	1—50	200	130284	1—50	500	137694	26*)	1.000
124148	01*)	1.000	130299	18*)	1.000	137724	1—50	200
124177	13*)	10.000	130666	1—50	500	137761	1—50	200
124254	10*)	5.000	131116	04*)	1.000	137791	37*)	1.000
124335	06*)	10.000	131126	31*)	1.000	137813	16*)	1.000
124541	46*)	1.000	131342	10*)	1.000	137971	03*)	1.000
124575	1—50	200	131404	1—50	200	138017	1—50	200
124595	34*)	25.000	131586	35*)	1.000	138179	34*)	1.000
124633	21*)	5.000	131637	44*)	5.000	138181	1—50	500
124687	1—50	500	131639	1—50	200	138343	1—50	200
124719	1—50	200	131663	06*)	1.000	138403	30*)	1.000
125199	1—50	500	131834	1—50	200	138502	45*)	1.000
125341	33*)	1.000	131871	17*)	1.000	138504	1—50	200
125362	19*)	1.000	131967	41*)	10.000	138606	1—50	200
125365	28*)	1.000	132237	19*)	1.000	138708	1—50	500
125539	04*)	1.000	132382	1—50	200	138768	1—50	200
125676	50*)	1.000	132391	03*)	1.000	138923	1—50	200
125883	1—50	200	132403	1—50	500	138950	43*)	1.000
125984	49*)	1.000	132466	40*)	1.000	139153	44*)	1.000
125997	41*)	1.000	132476	27*)	1.000	139275	28*)	1.000
126084	49*)	1.000	132580	09*)	1.000	139302	1—50	200
126310	06*)	1.000	133114	1—50	200	139374	1—50	500
126408	48*)	1.000	133138	1—50	200	139450	33*)	1.000
126414	07*)	1.000	133180	29*)	5.000	139628	38*)	1.000
126566	31*)	1.000	133339	39*)	1.000	139919	25*)	1.000
126750	23*)	1.000	133343	03*)	1.000			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 200 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказувчи Комиссиянинг раиси — Меҳнаткашлар депутатлари Ногинск шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси С. Г. ВИДОВ.
Комиссиянинг масъул секретари Л. А. ВАСИЛЬЕВА.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — (ёзги бино) — 30/V да **Бой ила хизматчи**, 31/V да **Холисхон**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Севилья сартароши**, 31/V да **Евгений Онегин**.

Тез кунда премьера — **Марварид қидирувчилар**. Ўзбек тилида 3 парда, 4 кўринишли опера.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/V да **Сурмахон**, 31/V да **Азиз ва Санам**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «РОДИНА», «ЕШ ГВАРДИЯ» **Улар биринчилардан эди.**

«РОДИНА» — кечқурун **Парма ибодатхонаси** (1-серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кечқурун **Универмаг витринаси орқасида.**

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ХИВА», «ВАТАН», «ИСКРА» (Кафанов номли парк) — **Улар биринчилардан эди.**

«ИСКРА», «УДАРНИК» — **Универмаг витринаси орқасида.**

ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА
бош механиклар, ишлаб чиқариш бўлимларининг бошлиқлари, қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари ва бош инженерлари, сметачи инженер, трест ишлаб чиқариш бўлимининг старший инженери (қабул қилинганлар оширилган миқдорда оклад оладилар). шунингдек ишчилардан: **паркетчилар, плиткачилар, арматурачилар, сувоқчилар, бўёқчилар, ойнасозлар**
КЕРАК
Иш ҳақи 1956 йилги норма ва баҳолар юзасидан тўланади ва 25% миқдорида қўшимча ҳақ белгиланади.
Қабул қилинганлар ётоқ билан таъминланади.
Тошкент область. Олмалиқ шаҳар, Комсомольская кўча, 47-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

ТОШКЕНТ МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА
электрик инженерлар ва техниклар, электромонтёрлар ва ёрдамчи ишчилар
КЕРАК
Адрес: Тошкент шаҳар, Педагогическая кўча, 75-уй.

Газета ва журналларга

1956 ИЙЛНИНГ 2-ЯРМИ УЧУН

обуна қилиш давом этади

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Совет Узбекистони маданиятн»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни»,

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум»,
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Пионер»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари»,

Рангли фотоплакатлар серияси.

Обуна «Союзпечать» ва почта бўлимларида, ўқув юртлари, муассаса, фабрика-завод, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари ҳамда почтальонлар томонидан қабул қилинади.

32-қурилиш трестининг Тошкентдаги пардозлаш ишлари бошқармасига
ҳархил разрядли
СУВОҚЧИЛАР
КЕРАК
Ёлғиз кишилар ётоқ билан таминланади.
Пушкин кўчаси, 64-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Кисловодская кўча, 3-линия, 10-уйда турувчи **Иброҳим Хўжаевич Исмоиловнинг** Молотов кўчаси, 31-уйда турувчи Тўхта Каримова-Исмоиловадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 3-участка халқ судида кўрилади.

С П О Р Т



«Локомотив» қўнгилли спорт жамиятида 80 дан ортиқ киши бокс билан шуғулланади. **Суратда:** тренер ўртоқ **Зисман** (ўртада) навбатдаги машғулотни ўтказмоқда.

Ф. Осипов фотоси.

VI область спартакиадаси

Чирчиқ шаҳридаги «Химик» стадионида 9 кун давом этган VI Тошкент область спартакиадаси тамом бўлди. Спартакиада мусобақаларида областнинг 19 шаҳар ва районларидан 800 дан ортиқ физкультурачи қатнашди. Спартакиада программасига киритилган барча спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ғоят кескин кураш вазиятида ўтди. Бу курашлар натижасида Чирчиқ шаҳрининг эрлар ва хотин-қизлар командалари волейбол ва баскетбол бўйича биринчи ўринни эгалладилар.

Енгил атлетика мусобақаларига эса 400 га яқин спортчи қатнашди. Спорт ҳаваскорлари югуриш йўлларида ўтказилган ва баландликка, узунликка сакраш бўйича бўлган мусобақаларни зўр қизиқиш билан кузатиб бордилар. Лекин енгил атлетика мусобақалари яхши натижалар бермади.

4Х100 метрли эстафета мусобақалари оммавий равишда ўтказилди. Эстафетага аркаклар ва хотин-қизлардан 28 команда қатнашди. Эстафета мусобақаларида ҳам чирчиқлик енгил атлетикачилар биринчи ўринни эгалладилар.

Хотин-қизлар ўртасида 4Х200 метрга эстафета мусобақалари ўтказилди. Бунда Оржоникидзе район спортчилари биринчи, Олмалиқ шаҳар вакиллари иккинчи ва Янгийўл район енгил атлетикачилари учинчи ўринни эгалладилар.

10.000 метрга югуришда чирчиқлик спортчи Сергеев бу масофани 35 минут 0,5 секундда босиб ўтиб, маррага биринчи бўлиб келди.

Шуни ҳам айтиш керакки, барьерли югуриш ва уч хатлаб сакраш мусобақаларида областнинг бирорта ҳам спортчиси классификацияли разряд нормасини бажара олмадилар.

Штанга ва бокс мусобақалари икки кун давом этди. Бу мусобақаларда чирчиқлик штангачилар биринчи ўринни эгалладилар.

Бокс мусобақаларида Чирчиқ командаси биринчи ўринни олди. Шахсий биринчилик учун бўлган курашда чирчиқлик спортчилардан Бротцилов, Леепехик, Асанов, Мчедедишвили, Кривалев, Оҳантарон спортчиларидан Ананьин, Ше ва Зайцев ўртоқлар галабага эришдилар.

Чирчиқ командаси сузиш бўйича биринчи ўринни, Оққўрғон район спортчилари эса сув полоси бўйича иккинчи ўринни эгалладилар.

25 километрга ўтказилган велосипед пойгасида Оржоникидзе район вакили Муждабоев биринчиликни олди. 15 километрга хотин-қизлар ўртасида ўтказилган велосипед пойгасида шу райондаги Усачева маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Шундай қилиб, спортнинг ўн тури бўйича спартакиада мусобақаларида Чирчиқ шаҳар физкультурачилари биринчи ўринни олдилар. Мусобақа ғолибларига область физкультура ва спорт комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди. Бекобод шаҳар спортчилари иккинчи, Оржоникидзе район командаси учинчи ўринни олди. Область спартакиадаси физкультурачилар парадининг ўтказилиши билан ёпилди.

О. ЛЕВАК.

Республика биринчилиги учун

«Спартак» стадионида Ўзбекистон биринчилиги учун футбол мусобақаси бўлди. Мусобақада «Спартак» командаси ва «Пахтакор» физкультура мактабининг футболчилари иштирок этдилар.

Мусобақада биринчи бўлиб ҳисобни «Пахтакор» физкультура мактабининг футболчилари очдилар. Зўр маҳорат билан ўйнаган «Пахтакор» физкультура мактабининг футболчилари 6:2 ҳисоби билан «Спартак» командаси устидан галаба қозондилар.

Спорт янгиликлари

Тошкентдаги «Пишчевик» стадионида олий ўқув юртлари коллективлари ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги учун футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Бунда Ирригация ва Темир йўл транспорти институтларининг спортчилари учрашдилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг футболчилари актив ҳужумга ўтсалар-да ҳеч қандай натижага эриша олмадилар. Темир йўл транспорти институтининг командаси усталик билан ўйнаб, ўз рақибларини дарвозасига бир тўпни уриб киритишга муваффақ бўлди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида ТИИИМСХ командаси ҳисобни тенглаштириш учун ҳаракат қилдилар. Улар бирмунча устунликка эришсалар-да, ҳисобни тенглаштира олмадилар. Шундай қилиб, Транспорт институтининг футболчилари 1:0 ҳисоби билан ғолиб чиқдилар.

* * *

Максим Горький номли болалар паркида «Спартак» спорт жамияти Ўзбекистон Совети биринчилиги учун юз катакли шашка бўйича мусобақалар давом этмоқда. Бу мусобақаларда 12 шашкачи иштирок этаётир.

Спорт мастери Ёқубов (Тошкент) ўнинчи турдан сўнг 10 очко олди. Самарқандлик биринчи разрядли шашкачи Раппопорт, мастерликка кандидат Полоусов (Тошкент) ўртоқлар 7 тадан очко олишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек Борухов (Бухоро), Мусаев (Тошкент) ўртоқлар ҳам яхши натижаларга эришдилар.

А. КИМ.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136 Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалиги бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р.03753. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1445.